БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 106 (17.686). • 8 май 1980 йил, пайшанба • Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ИЛМ-ФАН ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

«Салют-6» орбитал станцияси ичида навбатдаги космик экспедиция тадқикот ўтказмоқда. «Тез» нейтронлар асосида ишловчи дунёда энг катта реактор ток берди... КПСС XXV съезди қарорларини бажараётган совет олимлари Ватанимизнинг фан-техника потенциалини активлик билан кўпайтирмоқдалар.

Илм-фан намояндалари олдида ғоят мураккаб ва катта вазифалар турибди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев айтганидек, «партия олимлардан янги жараёнлар ва ҳодисаларни тобора чуқур ва дадил тадқиқ қилишларини, фан-техника тараққиёти ишига актив ҳисса қўшишларини, пайдо бўлаётган проблемаларни пухта ўйлаб таҳлил этишларини, бу проблемаларни мамлакат қудратини мустаҳкамлаш, халқ турмушини яхшилаш манфаатлари, коммунизм қуриш манфаатларини кўзлаб энг яхши тарзда ҳал этиш усуллари тўғрисида масъулиятли тавсиялар беришларини кутмоқда».

Партиянинг наказини бажаришда илм-фан ташкилотчилари — олимларнинг коллективларига, илмий муассасаларга раҳбарлик қилаётганлар биринчи даражали роль ўйнайдилар. Давлат аҳамиятига молик жуда катта иш — ўз сафларида 1,3 миллион кишини бирлаштирган олимлар армиясининг ижодий имкониятларидан энг мақбул тарзда фойдаланиш иши уларга ишониб топширилган.

Коллективларнинг куч-ғайратларини фан-техника тараққиётининг энг муҳим соҳаларига тўплаш учун зўр мақорат, тадқиқотларни ташкил этишнинг совет фанида жуда кўп бўлган энг яхши намуналарини чуқур билиш зарур.

Космик фазони ўзлаштириш билан, атом ядросининг энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш билан боғлиқ бўлган новаторлик вазифаларини ҳал этишда юзлаб коллективларнинг куч-ғайратларини кооперациялаш пухта йўлга қўйилганлиги — бунинг ёркин мисолидир. Режанинг кенг миқёси ва унинг аниқ ижро этилиши СССР Фанлар академияси Сибирь бўлимининг камол топишини таъминлади, энди у мамлакатнинг етакчи илмий марказларидан бири бўлиб қолди. Украина ССР Фанлар академияси электр пайвандлаш институтининг тажрибаси ибратлидир. Бу ерда олис келажакни кўзловчи назарий изланишлар халқ хўжалигининг эҳтиёжлари учун амалий лойиҳалар билан моҳирона қўшиб олиб борилмоқда. Ишлаб чиқариш билан алоқа мустаҳкамланмоқда, ҳар бир мавзудаги иш ниҳтиро савиясида бажарилишига эришилмоқда. Ажойиб илм-фан ташкилотчиларимиз меросидаги энг қимматли тажрибаларни қурол қилиб олиш, илғор коллективлардан тинимсиз ўрганиш керак. СССР Фанлар академияси, СССР Фан ва техника давлат комитети, министрликлар ва идоралар мана шундай ўқиб ўрганишни самарали йўлга қўйишда ёрдам беришлари лозим.

Мамлакатда илмий муассасаларнинг ҳар хил типлари ишлаб турибди. Уларнинг баъзи бирлари фундаментал тадқиқотлар билан машғул бўлса, бошқалари шу тадқиқотларнинг натижаларини машиналарнинг конструкцияларида мужассамлаштирмоқдалар. Кўп профилли муассасалар билан бир қаторда тор ихтисосдаги муассасалар ҳам ишламоқда. Институтларга илмий мактабларнинг тажрибакор асосчилари ҳам, истеъдодли ёш тадқиқотчилар ҳам бошчилик қилмоқдалар. Аммо уларнинг ҳар бири аввало илмий изланиш стратегиясини яхши ўйлаб, коммунистлар билан, бутун коллектив билан пухта синаб кўриши, тадқиқотчиларнинг отрядларини илм-фанининг олдинги маррасига чорлаши, бутун куч ва воситаларни ҳал қилувчи соҳаларга моҳирона жамлаши, иш самарадорлигини оширишга сабот билан интилиши керак.

Шу мақсадга эришиш йўлларини актив қидириб топиш — илғор илмий ташкилотларнинг ўзига хос хусусиятидир. Масалан, уларнинг ташаббуси билан тадқиқотларнинг ҳар бир тармоғини программа асосида бошқариш усуллари ўзлаштирилмоқда. Мана шундай изланишлар доирасини келгусида ҳам кенгайтириш ва уларга бошчилик қилиш — илмий муассасалар раҳбарларининг бурчидир. Уларнинг ҳар бири илмий проблемаларнинг моҳиятига чуқур кириб бориш билан бирга тадқиқотларни бошқариш назарияси ва практикаси соҳасидаги билимни қўшиб олиб боришга мажбур.

Кўпчилик илмий муассасаларга коммунист олимлар бошчилик қилмоқдалар. Улар коммунизм иши учун актив курашчилар бўлиб ҳаракат қилмоқдалар, партиявийликни чуқур билимдонлик билан, интизомлликни ташаббускорлик билан узвий равишда қўшишга интилмоқдалар. Коллективга, унинг тажрибаси ва билимига таянмай туриб тадқиқотларни бошқаришда муваффақиятларга эришиб бўлмайди. Илмий муассасаларнинг партия ташкилотлари мана шу фазилат ва кўникмаларни шакллантиришда раҳбарларга ёрдам беришлари, ҳар бир илмий муассасада аҳиллик билан ишлаш ва ижодий изланиш муҳитини вужудга келтириш тўғрисида ғамхўрлик қилишлари лозим. Министрликлар ва идоралар, партия комитетлари илм-фан ташкилотчи кадрларини танлаш ва тарбиялашни такомиллаштиришлари, уларга кун сайин ёрдам беришлари керак.

Бу ҳақда ғамхўрлик қилинмаган жойларда бутун-бутун институтларнинг иши беҳуда кетмоқда, уларнинг ижтимоий активлиги пасаймоқда, тадқиқотлар савияси тушиб кетишига йўл қўйилмоқда. Ҳамон бир талай институтлар ўз куч-ғайратларини иккиничи даражали масалаларга сарфлямоқдалар, бачкана мавзуларга вақт ва маблағни исроф қилмоқдалар, баъзи кадрларнинг савияси паст. Натижада халқ хўжалигининг аҳрим соҳалари илмий-техникавий жиҳатдан етарли равишда таъминланмаганлиги маълум бўлмоқда. Масалан, ғарчи йўл қуриш машиналарини яратиш ва ишлаб чиқаришни кучайтириш зарурлиги неча йиллар аввал аниқланган бўлса ҳам, мана шундай техникани чет эллардан кўплаб сотиб олишга тўғри келмоқда. Ҳозир, ўн биринчи беш йиллик бўсағасида мана шундай нуқсонларни тугатиш программаларини айнан белгилайдиган пайт етиб келди. Бу программаларни рўёбга чиқаришни одамларга бошчилик қила оладиган сергайрат ва истеъдодли мутахассисларга ишониб топшириш зарур.

Ташкилотчи олимнинг истеъдоди — инсон қобилиятининг ноёб турларидан биридир. Илмий оркестрларнинг дирижерларини танлаш, ўстириш, камол топтириш — фан-техника тараққиётининг ҳозирги муваффақиятлари тўғрисидагина эмас, келгусидаги муваффақиятлари тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилиш демакдир. Министрликлар, идоралар, фанлар академиялари партия комитетлари ишининг мана шу муҳим соҳасини кун сайин диққат марказида тутишлари керак. Раҳбар илмий ходимларнинг ижодий ўсишига институтларнинг фаолият якунларини министрликларнинг коллегияларида, академияларнинг президиумларида мунтазам равишда муҳокама қилиш яхши ёрдам беради. Афсуски, бир қанча тармоқларда бу тартибга риоя қилимаяпти. Олий ўқув юртларида илм-фан ташкилотчилари бўлиб етишадиган мутахассисларни тайёрлаш масаласи хусусидаги мунозара кўп йиллардан бери давом этмоқда-ю, аммо бу иш ҳамон йўлга қўйилганича йўқ. Малакани ошириш факультетлари ва институтлари илмий муассасаларнинг раҳбарларини қайта тайёрлаш билан дуруст шуғулланмаяпти. Тадқиқотларни бошқариш тажрибасини ўртоқлашишга, бу тажрибани ўрганишга етарли эътибор берилмаяпти, бу соҳага бағишланган адабиёт кам.

Жамиятимизда партия, давлат, халқ ҳал этаётган проблемаларни ижодий ишлаб чиқиш позим бўлган илм-фан роли муттасил ошиб бормоқда. Бу ишда илм-фан ташкилотчилари олимлар коллективларининг капитанлари ва штурманлари бўлиб ҳаракат қиладилар. Уларнинг бурчи — тадқиқотларнинг самарадорлигини оширишдан, фаннинг ишлаб чиқариш билан боғланишини мустаҳкамлашдан, унинг коммунистик қурилишга қўшаётган ҳиссасини кўпайтиришдан иборат.

(«ПРАВДА»нинг 7 майдаги бош мақоласи).

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ Белградга жўнаб кетди

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев бошчилигидаги СССР партия-давлат делегацияси 7 майда Белградга жўнаб кетди.

Делегация составида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССРнинг ЮСФРдаги элчиси Н. Н. Родионов бор.

Делегация ЮСФР президенти, ЮКС Раиси Иосип Броз Титони дафн этиш маросимида иштирок этади.

Внуково аэродромида партия-давлат делегациясини КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Ю. В. Андропов В. В. Гришин, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, М. А. Суслов; Н. А. Тихонов, К. У. Черненко, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар М. С. Горбачев, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари Б. П. Бугаев, Л. М. Замятин, В. Ф. Мальцев, Г. С. Павлов, В. П. Рубен, Г. Э. Цуканов, А. П. Шитиков, М. А. Яснов, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатлар А. М. Александров, М. П. Георгадзе, О. Б. Рахманин, С. К. Цвигун, Г. К. Цинев, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси Ю. М. Чурбанов, ТАССнинг Бош директори С. А. Лосев, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари Г. А. Киселев, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг референти Е. М. Самотейкин кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида ЮСФРнинг СССРдаги муваккат ишлар вакили М. Жукич бор эди.

КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. И. Блатов делегация билан бирга жўнаб кетди.

(ТАСС).

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ Белградга келди

БЕЛГРАД, 7 май. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги СССР партия-давлат делегацияси бугун Белградга келди.

Белград аэродромида партия-давлат делегациясини ЮСФР Президиуми Раисининг ўринбосари Ц. Миятович, ЮКС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси А. Гличков кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида СССРнинг ЮСФРдаги элчиси Н. Н. Родионов ва ЮСФРнинг СССРдаги элчиси М. Орландич бор эдилар.

Л. И. БРЕЖНЕВ ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДА КОМИТЕТИ ПРЕЗИДЕНТИ М. КИЛЛАНИННИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 7 май куни Кремлда Халқаро Олимпиада комитетининг президенти лорд Килланинни қабул қилди.

Суҳбат давомида шу нарса қайд этиб ўтилдики, Совет Иттифоқи ўз зиммасига олган мажбуриятларини тўла-текис адо этмоқда ва ҳозирги мураккаб халқаро шароитларда олимпиада ҳаракатининг холис ният ва халқлар ўртасида дўстликка асосланган олижаноб руҳи сақлаб қолиниши учун ҳамма ишни қилмоқда. Халқаро спорт ва олимпиада ҳаракатида вужудга келган проблемалар хусусида фикрлашиб олинди.

Учрашувда «Олимпиада-80» ташкилот комитетининг раиси, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Н. Т. Новиков, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. И. Блатов, «Олимпиада-80» ташкилот комитети раисининг биринчи ўринбосари В. Г. Смирнов, Халқаро Олимпиада комитети директори Моник Берлю ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

Суҳбат пайти. (ТАСС—ЎзТАГ телефотоси).

СОВЕТ-ПОЛЬША МУЗОКАРАЛАРИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Совет Министрлар Совети Раисининг Раиси А. Н. Косигин ва Совет раҳбарларининг таклифига биноан расмий дўстлик визити билан Совет Иттифоқига келган ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР Министрлар Советининг Раиси Э. Бабюх ўртасидаги музокаралар 7 май куни Кремлда тугади.

Музокараларда:

Совет томонидан — СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Н. К. Байбаков, К. Ф. Катушев, ташқи савдо министри Н. С. Патоличев, СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. Ф. Мальцев, СССРнинг ПХР даги элчиси Б. И. Аристов;

Польша томонидан — ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, планлаштириш комиссиясининг раиси Т. Вжашчик, ташқи савдо ва денгиз хўжалиги министри Р. Карский, ПХРнинг СССРдаги элчиси К. Ольшевский, бошқа расмий кишилар иштирок этдилар.

Музокаралар чоғида икки томонлама муносабатларга оид масалалар ва баъзи бир халқаро проблемалар юзасидан фикрлашув давом эттирилди. А. Н. Косигин ва Э. Бабюх ўртоқлар муҳокама этилган барча масалалар хусусида СССР билан ПХР ҳукуматларининг фикрлари батамом бир хил эканлигини, шунингдек икки мамлакат ўртасида марксизм-ленинизм ва социалистик интернационализм принципларига асосланган қардошларча муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш ва чуқурлаштиришга ҳар иккала томон интилаётганлигини таъкидладилар.

Музокараларнинг якунларига мувофиқ қўшма ахборот келишиб олинди, у матбуотда эълон қилинади.

(ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ МАЖЛИСИ

6 май куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиумининг Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов раислигида СССР Олий Совети Президиумининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

СССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг уй-жой қонун асослари лойиҳасини жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилиш мажлисда кўриб чиқилган биринчи масала бўлди. СССР Министрлар Совети ишлаб чиққан бу лойиҳада давлат, кооператив ва якка тартибдаги уй-жой фондини тақсимлаш ва асраш масалаларига доир энг муҳим ҳуқуқий нормалар ягона системага солинган ва ривожлантирилган.

Уй-жой қонун асослари алоҳида аҳамиятга молик ҳужжат эканини шу масала юзасидан сўзга чиққан В. В. Кузнецов уқтириб ўтди.

Янги бу қонуннинг қабул қилиниши уй-жой муносабатларининг бутун кўп қиррали комплексини тартибга солиш, бу соҳадаги қонунчиликни мустаҳкамлаш борасида муҳим қадам бўлиб қолади.

Президиумнинг қарорига биноан, СССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг уй-жой қонун асосларининг лойиҳаси «Известия», «Социалистическая индустрия», «Сельская жизнь», «Труд» газеталарида ва республика газеталарида эълон қилинади.

СССР Олий Совети палаталарининг қонун лойиҳалари тайёрлаш комиссиялари билан уй-жой-коммунал хўжалиги ва маиший хизмат комиссияларига муҳокама пайтида тушган таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштириб, лойиҳа юзасидан хулоса тақдим этиш топширилди.

Мажлисда Кострома область халқ депутатлари Советларининг қишлоқ хўжалигида банд бўлган ишчи ва хизматчилар учун яратиб берилаётган меҳнат, социал ва маиший шароитларни янада яхшилаш соҳасидаги иши масаласи кўриб чиқилди.

(Давоми иккинчи бетда).

САМИМИЙ ТАБРИКЛАР

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Германия Демократик Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси ўртоқ Эрик Хонеккерга Германия Демократик Республикаси Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Вилли Штофга

Азиз ўртоқлар!

Немис халқи фашизмдан озод қилинган кунининг 35 йиллиги муносабати билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан, барча совет кишилари номидан сизларга, Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетига, Германия Демократик Республикаси Давлат Кенгашига, Министрлар Советига ва бутун халқига қардошлик саломи ҳамда самимий қутловлар йўллаймиз.

Жаҳон империализмининг зарбдор отряди—Гитлер фашизмининг тор-мор этилиши Европа ва бутун дунё тарихида туб бурилиш бўлганини билдирди. 1945 йилнинг баҳор кунлари, Рейхстаг узра ғалаба қизил байроғи ҳилпирай бошлаган пайтда немис халқи олдида озодлик ва социал тараққиётнинг порлоқ истиқболлари очилди. Шарқий Германия меҳнаткашлари ижтимоий турмуш шароитларини тинчликсеварлик ва демократия негизларида ўзгартирдилар, ишчи ва деҳқонларнинг тарихда биринчи немис давлатини барпо этдилар, социализм қурдилар. Эндиликда ГДР — дунёнинг иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий жиҳатдан энг ривожланган давлатларидан биридир. Бу ажойиб муваффақиятлар республика халкининг синалган авангарди—Германия Бирлашган социалистик партияси раҳбарлигида сабот ва илҳом билан қилган меҳнати натижасидир. Бу ютуқлар социалистик тузумнинг ҳаётбахш кучи ва афзалликларини яққол тасдиқлаб турибди.

ГДР нинг қарор топиб ривожланиши бутун социалистик ҳамдўстлик қудратининг ўсиши билан, Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг қардошларча ёрдами ҳамда биродамлиги билан чамбарчас боғланган. ГДР Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши ишида, социалистик иқтисодий интеграция комплекс программасини амалга оширишда актив қатнашмоқда. Варшава Шартномаси ташкилотининг фаолиятига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Мураккаблашган халқаро вазият шароитида қардош мамлакатларнинг жипслиги ва мустаҳкам ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилиши кескинликни юмшатиш ва мустаҳкам тинчлик учун муваффақиятли курашнинг жуда муҳим гаровидир. Бу актуал вазифаларни ҳал этишда Германия Демократик Республикаси ҳам ўзининг салмоқли сўзини айтмоқда. Унинг тинчликсевар ташқи сиёсати халқларнинг ўз миллий ва социал озодлиги йўлидаги одилона курашини қўллаб-қувватлашга, революция ғалабаларини империализмнинг тажовузларидан ҳимоя қилишга қаратилган.

Шу байрам кунлари мамлакатларимиз ўттиз йилдан ортиқ вақтдан бери Совет Иттифоқи билан Германия Демократик Республикасининг миллион-миллион коммунистлари, меҳнаткашлари куч-ғайратлари туфайли вояга етган ва узлуксиз мустаҳкамланиб бораётган дўстлик муносабатларини давом эттириб келаётганликларини таъкидлаш қувончлидир. Ҳар томонлама ҳамкорлик халкларимизга тобора бой моддий ва маънавий самаралар бермоқда, уларнинг бир-бири билан янада якинлашувига кўмақлашмоқда. КПСС билан ГБСПнинг мақсадлар бирлиги ва марксча-ленинча дунёқарашнинг муштараклиги туфайли метинлашган жанговар иттифоқи шу жараённинг мустаҳкам негизидир.

В. И. Ленининг абадий барҳаёт ғояларига, социалистик интернационализм принципларига содиқ бўлган совет коммунистлари, барча совет кишилари СССР билан ГДР халқлари ўртасидаги қардошлик алоқалари муттасил мустаҳкамланиб, ривожланиб бориши учун бундан буён ҳам ҳамма ишни қилаверадилар.

Азиз ўртоқлар, сизларга, Германия Бирлашган социалистик партиясига, ГДРнинг барча меҳнаткашларига ривожланган социалистик жамият қурилишида, бутун дунёда тинчликни сақлаш учун курашда янги муваффақиятлар тилаймиз.

Яшасин Совет Иттифоқи билан Германия Демократик Республикаси ўртасидаги мангу ва бузилмас дўстлик!

Л. БРЕЖНЕВ. А. КОСИГИН.

Куба Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Куба Республикаси Давлат Кенгаши ва Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Фидель Кастро Русга

Азиз ўртоқ Фидель Кастро!

Шонли сана — давлатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари қайта тикланганлигининг 20 йиллиги муносабати билан Куба раҳбарларини ва қардош Куба халқини қутлашдан ғоят ҳурсандмиз.

Ўтган 20 йил Совет Иттифоқи билан Куба Республикаси ўртасида марксизм-ленинизм ва социалистик интернационализм принциплари мустаҳкам пойдеворига асосланган ҳар томонлама муттасил ривожланишнинг ёркин далили бўлди. Сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида партияларимиз, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги мустаҳкам дўстлик, манфаатлар ва идеаллар бирлиги, самарали ва ўзаро фойдали ҳамкорлик Совет-Куба муносабатларининг мустаҳкам асоси бўлди.

Совет кишилари Лотин Америкасида биринчи социалистик жамият қуришда ўзларининг кубалик дўстларига қардошларча кўмаклашмоқдалар. Куба халқи ўз авангарди — Коммунистик партия раҳбарлигида социализм йўлидан ривожланишнинг йигирма йили мобайнида эришган катта муваффақиятлар бизларни қувонтирмоқда.

Куба озодлик ишига ўзининг садоқати, империалистик зулмга қарши курашётган халқлар билан қизғин биродамлиги билан юксак халқаро обрў-эътибор қозонди. Унинг тинчлик ва социал тараққиёт ишига, мустамлакачилик ва иркчиликнинг барча қолдиқларини тугатиш, халқаро муносабатларни одилона асосда қайта қуриш учун олиб борилаётган курашга қўшган ҳиссаси ҳам салмоқли ва ҳамма томонидан эътироф этилган.

1974 йилги Совет—Куба декларациясининг интернационал руҳига амал қилган Совет Иттифоқи бундан буён ҳам қардошларча дўстлик ва ҳамкорликни чуқурлаштириш учун бутун куч-ғайратини сарфлай беради, Куба халқининг ҳаққоний ишини ҳамиша қатъий қўллаб-қувватлайверади.

Азиз дўстлар, социалистик жамият қуришда, экономика, маданият, маориф, халқ фаровонлигини янада юксалтиришда сизларга янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Ўртоқлик саломи билан

Л. БРЕЖНЕВ. А. КОСИГИН.

РАДИО КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

Совет радиостанциялари музаффар социализм мамлакати ҳаёти тўғрисидаги ҳақиқатни синчиклаб ва қизғин турли жойларга етказмоқда. 7 май куни Тошкентда бўлиб ўтган тантанали йиғилиш телевидение, радиоэшитириш ва алоқа ходимларининг байрами—Радио кунига бағишланди. Йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. Умаров очди. Ўзбекистон ССР алоқа министри Т. М. Тўхтаев шу ҳақда доклад қилди.

Республика телевидениеси ва радиоэшиттириши, деб уқтириб ўтилди йиғилишда, меҳнаткашларни коммунизм идеаллари руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшмоқда, ўз фаолиятини КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорини бажаришга, партия XXV съезди қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмаларини амалга оширишга қаратмоқда.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов иштирок этди. (ЎзТАГ).

АБУ АЛИ ИБН СИНОТУҒИЛГАН КУННИНГ 1000 ЙИЛЛИГИГА

ЮБИЛЕЙГА ТАЙЁРГАРЛИК КУЧАЙТИРИЛСИН

Республикада ўрта аср Шарқининг буюк алломаси Абу Али ибн Сино таваллудининг 1000 йиллигига тайёргарлик тобора кенг авж олдирилмоқда. Юбилей шу йил кузда нишонланади. Тайёргарлик тадбирларинг кўпчилиги амалга оширилди. Айни вақтда қурилиш ташкилотлари, министрликлар ва идоралар, илмий ва бошқа муассасалар белгиланган барча тадбирларни тўла-тўкис ва ўз вақтида тугаллаш, юбилей тантаналарини юксак даражада ўтказиш учун ҳали маълум ишларни амалга оширишлари керак.

Ибн Сино минг йиллигига тайёргарлик га уни ўтказиш республика ташкилот комитетининг 7 майда бўлиб ўтган мажлисида ана шу ҳақда гап борди. Мажлисни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев олиб борди. Бухоро область ижроия комитетининг Ибн Сино туғилиб ўсган Афшона қишлоғида, область марказида ва Бухоро областининг бошқа жойларида тайёргарлик тадбирлари қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги ҳисоботи, шунингдек Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ибн Сино юбилейига бағишлаб Тошкентда тантанали мажлис ва Бухорода юбилей илмий сессияси ўтказишга тайёргарлик тўғрисидаги ахбороти тингланди.

(ЎзТАГ).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ МАЖЛИСИ

(Боши биринчи бетда).

Кострома область Совети ижроия комитетининг раиси К. В. Донцов ахборот берди. У область партия, совет ва хўжалик органлари йиғит ва қизларга меҳнат тарбияси бериш, уларни ўқитиш, касб-корга ўргатиш, қишлоқ хўжалигидаги ишга жалб этиш, ёш қишлоқ меҳнатчилари учун зарур меҳнат ва турмуш шароитларини яратиб бериш соҳасида катта иш қилаётганликларини гапириб берди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг область ўрта мактабларини битириб чиққач, қишлоқ хўжалигида ишлаш истагини билдирган ёшлар слети қатнашчиларига йўллаган табрикномаси ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларнинг хўжалик қурилишидаги ролини ошириш соҳасидаги ўзаро ҳаракат программасини бўлиб қолди. Табрикномага жавобан қишлоқ мактабларининг ёшларни деҳқон меҳнатини ҳурмат қилиш, жонажон диёрга меҳр-муҳаббат, дала ва фермаларда меҳнат қилишга иштиёқ руҳида тарбиялаш соҳасидаги иши анча кучайди.

Палаталарнинг ёшларга доир ишлар бўйича комиссиялари номидан мажлисда Миллатлар Совети ёшларга доир ишлар бўйича комиссиясининг раиси А. Т. Кузьмин сўзга чиқди. Комиссиялар жойлардаги ишларнинг аҳволини ўрганиши шуни кўрсатдики, деди у, баъзи бир областлар, ўлкалар, республикаларда қишлоқ ёшлари учун зарур меҳнат-турмуш шароитларини яратишга комплекс ёндашиш ҳамиша ҳам таъмин этилаётгани йўқ, барча манфаатдор ташкилотларнинг куч-ғайратлари лозим даражада мувофиқлаштириб олиб борилмаяпти. Қишлоқдаги ёш кадрларнинг қўнимсизлиги кўп жиҳатдан, айниқса, чорвачиликдаги меҳнат сферасида ва шу механизациялашмаганлигининг, бир қанча хўжаликларда ёшлар тўғрисида дуруст ғамхўрлик қилинмаётганининг оқибатидир. Шу муносабат билан Қишлоқ хўжалиги, Қишлоқ қурилиши министрликлари ҳамда уларнинг жойлардаги органлари танқид қилинди, улар уйжой, мактабгача тарбия муассасалари, бошқа социал-маиший объектлар қуриш юзасидан белгиланган план топшириқларини бажармаётганликлари айтиб ўтилди. Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги, Чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш учун машинасозлик министрликларининг диққат-эътибори юксак эксплуатация хусусиятларига эга бўлган замонавий қишлоқ хўжалик техникасини ишлаб чиқаришда орқада қолинаётганига қаратиб ҳам ўтилди.

Мажлисда СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, Москва область партия комитетининг биринчи секретари В. И. Конотоп нутқ сўзлади. У Москва областида ёшларни қишлоқ хўжалигига жалб этиш ва уларнинг ўрнашиб олишига кўмаклашиш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этишга эътиборни кучайтириш, қишлоқ хўжалиги ёш меҳнатчилари учун қулай шароитларни яратиш, меҳнатни маънавий ва моддий рағбатлантириш омилларидан самарали фойдаланиш, ёшларнинг меҳнати тўғрисидаги қонун талабларига риоя этиш учун колхоз ва совхозлар, корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини сабот билан ошириш тавсия этилди.

СССР Олий Совети Президиумининг СССР қонун актларини эълон қилиш ва кучга киритиш тўғрисидаги Фармони ҳамда Қарорига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масала юзасидан мажлисда СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. П. Георгадзе ахборот берди. Меҳнаткашларни Олий Совет ҳужжатлари билан кенг миқёсда таништириш социалистик демократиянинг муҳим элементларидан бири бўлган ошкораликни таъминлашга хизмат қилади, деди у. Қонун актларига киритиш таклиф қилинаётган ўзгаришлар СССР Конституциясидан, шунингдек конституция асосида қабул қилинган СССР Олий Советининг регламентидан ва бошқа бир қанча иттифоқ қонунларидан келиб чиқади, деб таъкидланди.

Президиум «СССР қонунларини, СССР Олий Советининг Қарорлари ва бошқа актларини, СССР Олий Совети Президиумининг Фармонлари ва Қарорларини эълон қилиш ҳамда кучга киритиш тартиби тўғрисида»ги Фармоннинг янги таҳririни якдиллик билан тасдиқлади. СССР Олий Совети ва унинг Президиуми ҳужжатларини эълон қилиш ишини ташкил этиш тўғрисидаги қарор ҳам қабул қилинди.

Сўнгра Президиум Тожикистон ССР халқ депутатлари Советларининг кўп болали оналарни мукофотга тақдим этиш ва уларга мукофотларни топшириш соҳасидаги иш тажрибасини муҳокама қилди.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Тожикистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. Холов ахборот берди. Республика Советлари кўп болали оналарни мукофотлаш материалларини тайёрлаш ҳамда уларга орден ва медалларни топшириш, кўп болали оилаларга ёрдам бериш, СССР Олий Совети ва Тожикистон ССР Олий Совети Президиумларининг шу масалаларга доир қарорлари бажарилишини контрол қилиш соҳасида муайян иш тажрибасини ортирганлар, деб ўқтирди у. Республика Советларининг кўп болали оналарни мукофотлашга тақдим этиш ва уларга мукофотларни топшириш соҳасидаги фаолияти партия билан давлатнинг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалаларига, кўп болали оналар, уларнинг оила аъзолари турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилашга доир қарорларини бажариш билан узвий равишда қўшиб олиб борилмоқда. Оналарни орден ва медалар билан мукофотлаш практикасини янада такомиллаштиришга оид баъзи бир таклифлар ҳам айтилди.

СССР Олий Совети Президиуми Тожикистон ССР халқ депутатлари Советларининг кўп болали оналарни мукофотлашга тақдим этиш ва уларга мукофотларни топшириш, кўп болали оилаларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, бу ишдаги мавжуд камчиликларни тугатиш юзасидан қатъий ва ҳаётий чоралар кўриш тўғрисидаги Фармонини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ишини ташкил этиш юзасидан аниқ чоралар кўриляпти, озуқабоп экинлар экиш тугалланди ва дон, силос ва кўк озуқа, илдизмева, беда экинларини парваришлаш авж олдирилди, озуқа етиштирадиган бригада ва звеноларнинг комплектланди, уларга техника ва транспорт воситалари етказиб берилди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «1980 йилда дагал ва ширадор ем-хашак етиштиришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини ошириш юзасидан қўшимча чоралар тўғрисида»ги қарорида озуқа тайёрлаш ҳажмлари белгилаб берилди. Республикамизнинг колхозлари, совхозлари ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида 7,4 миллион тонна дагал хашак, шу жумладан 2,3 миллион тонна сенаж тайёрлашнинг боришини шу йил 7 майгача бўлган ушбу маълуматлардан аёқол кўриш бўлади: (Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — беда ўрилган майдон (минг гектар ҳисобида); учинчи устун — ўриладиган майдонга нисбатан процент ҳисобида; тўртинчи устун — дагал хашак тайёрлаш топшириғи; бешинчи устун — тайёрланган дагал хашак (минг тонна ҳисобида); олтинчи устун — (топшириққа нисбатан процент ҳисобида).

Қорақалпоғистон АССР	—	—	700	—	—
Андижон	3,2	22	450	—	—
Бухоро	5,5	22	800	6,6	0,8
Жиззах	0,8	3	600	—	—
Қашқадарё	13,6	43	900	123,2	13,7
Наманган	5,4	31	420	24,5	5,8
Самарқанд	2,6	6	900	1,8	0,2
Сурхондарё	20,0	100	800	220,7	27,6
Сирдарё	2,2	11	350	12,8	3,7
Тошкент	7,6	19	850	22,7	2,7
Фарғона	2,1	9	450	8,8	2,0
Хоразм	—	—	230	—	—
Республика бўйича	63,0	21	7400	421,1	5,7

Ўрим-йиғим ва озуқа тайёрлашнинг боришини шу йил 7 майгача бўлган ушбу маълуматлардан аёқол кўриш бўлади: (Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — беда ўрилган майдон (минг гектар ҳисобида); учинчи устун — ўриладиган майдонга нисбатан процент ҳисобида; тўртинчи устун — дагал хашак тайёрлаш топшириғи; бешинчи устун — тайёрланган дагал хашак (минг тонна ҳисобида); олтинчи устун — (топшириққа нисбатан процент ҳисобида).

БУХОРО	—		100,6		
ҚАШҚАДАРЁ	—		100,0		
СУРХОНДАРЁ	—		100,0		
ТОШКЕНТ	—		100,0		
НАМАНГАН	—		100,0		
САМАРҚАНД	2,8		100,0		
Сирдарё	—		98,6		
Фарғона	0,5		93,5		
Андижон	—		87,2		
Жиззах	—		70,9		
Хоразм	3,2		57,7		
ҚҚАССР	2,5		57,3		
Республика бўйича:	0,8		88,8		

Республика областларида шоли экишнинг бориши тўғрисида шу йил 7 майга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда; учинчи устун — мавсум бошидан буён (топшириққа нисбатан процент ҳисобида).

СУРХОНДАРЁ	—	100,0
НАМАНГАН	—	100,0
Сирдарё	0,2	89,7
Тошкент	6,5	70,5
Хоразм	6,5	38,0
Андижон	2,5	29,5
ҚҚАССР	3,2	15,0
Республика бўйича:	3,6	34,5

ТЕЗ ВА СОЗ ЭКИНГ!

ДЎСТЛИК МУСТАҲКАМЛАНАВЕРСИН

Ўзбекистон жамоатчилиги Германия фашизм зулмидан озод қилинганлигининг 35 йиллигини нишонламоқда. Жамоатчилик вакилларининг 7 май куни республика пойтахтида бўлиб ўтган йиғилиши шонли санага бағишланди. Йиғилишда СССР — ГДР жамиятининг активлари, Германия Демократик Республикасидан келган туристлар иштирок этдилар.

Сўзга чиққан ишчилар немис халқини фашизмдан халос этишга ҳал қилувчи ҳисса қўшган Қизил Армиянинг буюк тарихий миссияси тўғрисида гапирдилар. Улар ГДР меҳнаткашларига ривожланган социализм қурилишида янги-дан-янги муваффақиятлар тиладилар. (ЎзТАГ).

ҚАҲРАМОН КУБА БИЛАН БИРДАМЛИК

6 май куни Москвада пойтахт жамоатчиларига вакилларининг СССР билан Куба ўртасидаги дипломатия муносабатлари қайта тикланган кунга 20 йил тўлишига бағишланган тантанали йиғилиши бўлиб ўтди. КПСС билан Куба Компартияси ўртасидаги, қардош халқлар ва давлатлар ўртасидаги дўстлик ҳамда ҳамкорлик кўп қиррали, кўп қамровли характер касб этганлиги йиғилишда таъкидлаб ўтилди.

В. В. Гришин, В. И. Долгих ўртоқлар, бошқа расмий кишилар, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари президиумга чиқиб ўтиришди. Куба Республикасининг СССРдаги элчихонаси дипломатия ходимлари ҳам ҳозир бўлишди.

Докладчи — Совет—Куба дўстлиги жамиятининг вице-президенти, СССР министри Т. Б. Гуженко шуни уқтирдики, ҳозирда Совет— Куба қардошларча ҳамкорлиги фаолиятининг ҳамма соҳаларида тобора ривожланиб бормоқда. Совет кишилари озодлик ороли-нинг халқи билан бирдамлик ишини ўзларининг жонажон иши деб ҳисоблаб келдилар ва ҳозир ҳам шундай деб ҳисобламоқдалар. Улар Куба халқининг янги турмуш қурилишида, шунингдек халқаро майдонда, халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлиги учун курашда эришган ажойиб муваффақиятлари учун қувонмоқдалар ва фахрланмоқдалар. Ҳозир социалистик Кубанинг обрў-эътибори ҳар қачонгидан ҳам юксак. Куба қўшилмаслик ҳаракатининг раиси қилиб сайланганлиги бунинг яққол далилидир.

Йиғилишда мухтор министр, Куба Республикасининг СССРдаги элчихонаси маслаҳатчиси Х. Пуэрта Кирога нутқ сўзлади.

Якдиллик билан қабул қилинган резолюцияда йиғилиш қатнашчилари Америка империализмининг кучайиб бораётган игвогарликлари қаршисида Куба Республикаси билан бирдамлик изҳор этдилар. Кубага қарши Вашингтон авж олдирган янги кампания Куба халқининг барча дўстларини ҳақли равишда ғазаблантирмоқда ва норози қилмоқда. Куба ёлғиз эмас. Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари, Африка, Осиё ва Лотин Америкасининг тараққийпарвар давлатлари, Ер юзидаги барча тинчликсевар кучлар унинг тарафидадирлар. Совет жамоатчилиги Куба Республикаси билан дўстлик, қардошлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун бундан буён ҳам ҳамма ишни қилаверади, Куба халқининг ҳақ-ноҳий ишини қаттиқ туриб ҳимоя этаверади.

(ТАСС).

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАРИ ҚУНДАЛИГИ

Пичан ўримини тезлатинг

КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленумида озуқа базасини мустаҳкамлаш бўйича конкрет программа ишлаб чиқилган эди. Шунга биноан белгиланган тадбирлар кўплаб колхоз ва совхозларда муваффақиятли амалга ошириляпти, чорвачиликни озуқа билан таъминлашни ўша хўжаликларнинг ўзида ташкил этиш юзасидан аниқ чоралар кўриляпти, озуқабоп экинлар экиш тугалланди ва дон, силос ва кўк озуқа, илдизмева, беда экинларини парваришлаш авж олдирилди, озуқа етиштирадиган бригада ва звеноларнинг комплектланди, уларга техника ва транспорт воситалари етказиб берилди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «1980 йилда дагал ва ширадор ем-хашак етиштиришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини ошириш юзасидан қўшимча чоралар тўғрисида»ги қарорида озуқа тайёрлаш ҳажмлари белгилаб берилди. Республикамизнинг колхозлари, совхозлари ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида 7,4 миллион тонна дагал хашак, шу жумладан 2,3 миллион тонна сенаж тайёрлаш, 4,3 миллион тонна силос жамғариш, шунингдек, озуқа тайёрлашда илғор технологияларни жорий этиш ҳисобига уларнинг сифатини яхшилаш кўзда тутилмоқда.

Ҳозир ҳамма жойда пичан ўримининг долзарб дамлари бошланиб кетди. Сурхондарё области хўжаликлари беда-нинг биринчи ўримини ўюшқоқлик билан, қисқа муддатларда тугаллашди ва 220,7 минг тонна юқори сифатли беда пичани ва сенаж тайёрлашди. Шу билан бир вақтда Жалолқудуқ, Кўрғонтепа, Марҳамат, Москва, Олот, Ғиждувон, Қизилтепа, Шофиркон, Косонсой, Тўрақўрғон, Задарё, Поп, Булунғур, Нарпай, Пайариқ, Пастдарғом, Советобод, Ховос, Ворошилов, Боёвут, Ораҳоникидзе, Ўрта Чирчиқ, Янгийўл, Охунбобоев, Бағдод, Риштон, Фрунзе районлари, Жиззах областидаги кўпчилик районлар ва Андижон, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона областларидаги бошқа қатор районларнинг колхоз ва совхозларида ҳанузгача биринчи ўрим қизитиб юборилган эмас.

Вазифа ўрим-йиғимни қулай муддатларда ўтказиш, бедани 5—7 кун мобайнида ўриб олиш, зарурий агротехника тадбирларини амалга ошириш ҳамда бедапояни суғоришдан иборатдир. Ана шундай қилинганда вегетация даврида бедани яна 5—6 марта ўриш мумкин. Ҳозир кўкпояни сенаж, витаминли ўт уни, донадор озуқа ва сифатли пичан тайёрлашда фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Сенаж тўғри жамғарилганда унинг тўйимли моддалари 25—30 процент, витаминли ўт уни тайёрланганда эски технологияга нисбатан 30—40 процент кўп сақланишини таъкидлаш ўринлидир.

Озуқа сифатини яхшилаш мақсадларида унинг асосий қисми янги технологиялар бўйича тайёрланишига эътибор бериш керак. АВМ, ОГМ ва бошқа машиналарни ўрим-йиғимда унумли ишлатиш даркор. Барча резерв ва имкониятларни ишга солиш, ҳар бир хўжаликда етарли миқдорда юқори сифатли озуқа тайёрлаш зарур.

Хўжаликларнинг раҳбар ва мутахассислари сенаж жамғариш ва пичан тайёрлашнинг барча қоидаларига риоя қилишишини таъминлашлари, кўкпоянинг намлиги юқори бўлиб кетишига (55—60 процентдан ошмаслиги керак) йўл қўймасликлари, сенаж яхши тайёрланган ҳандаклларга жойланиши тўғрисида қайғуришлари лозим.

Мустаҳкам озуқа базаси яратиш партия, совет, қишлоқ хўжалиги органларидан кундалик эътибор ва моҳирона ишлашни талаб қилади, механизатор ва озуқа етиштирувчилар фидокорона меҳнат қилишлари керак. Ҳар бир фермада етарли миқдорда юқори сифатли озуқа тайёрлаш — 1980 йилда ферма маҳсулотлари етиштириш ҳамда давлатга сотиш бўйича олинган план ва социалистик мажбуриятларни бажариш ва чорвачиликни янада ривожлантириш учун пухта пойдевор қўйишнинг асосий шартидир.

АРПА ЎРИМ-ЙИҒИМИ

Сурхондарё областининг Ангор райони хўжаликларида арпа ўрим-йиғими бошланди. Карл Маркс номли колхоз деҳқонлари биринчи бўлиб ўримга тушдилар. Қодир Менглиев бригадасида мўл ҳосил етиштиришди. Бу ерда комбайнлар билан гектар бошига 40 центнердан дон янчилмоқда.

Қуйбишев номли, «Қизил юлдуз» колхозлари, «Толимаржон» совхозида ҳам ўрим-йиғимга киришмоқдалар.

Механизаторлар арпани қисқа муддатда — ўн кунда ўриб-йиғиб олиш мажбуриятини қабул қилдилар. Комбайнларнинг ҳаммаси Ипатово усулидаги етти отрядга бирлаштирилган.

Ҳосилдан бўшаган далаларга ерни дон учун маккажўхори экишга дарҳол тайёрлаб қўймоқ учун ҳайдов трактorлари чиқарилмоқда. (ЎзТАГ).

УРУШ ВЕТЕРАНЛАРИГА ҒАМХЎРЛИК

Тошкент шаҳрининг ғарбий чеккасида 20 гектар майдондаги мевали боғ ўртасида Улуғ Ватан уруши ветеранлари учун барпо этилган шаҳар стационарининг оппоқ корпуслари кўзга ташланади. Стационарнинг терапия ва неврология бўлимларида бир вақтнинг ўзида қариб икки юз киши ўз саломатлигини яхшилаши мумкин. Кондиционерлари бўлган икки ўринли палаталар, рангли телевизорлар қўйилган шинам айвонлар, кутубхона бу ерда даволанувчилар ихтиёрига бериб қўйилган.

— Шифохонамиз, — дейди стационарнинг бош врачи медицина фанлари кандидати Г. У. Ризаев, — Улуғ Ватан уруши солдатларига яна бир туҳфадир. Врачлар, медицина ҳамширалари, барча ходимлар уруш қатнашчилари соғлиғини сақлаш учун бутун билими, бой тажрибасини сарфламоқдалар. Улар энг мукаммал диагностика ва даволаш аппаратлари билан қуролланган. Бизларга Тошкентдаги энг катта медицина муассасалари ва институтлар ёрдамга келишади. Етакчи мутахассисларнинг маслаҳатлар бериб туришлари кўзда тутилган.

7 май куни — совет халқи гитлерчи галалар устидан қозонган галабанинг 35 йиллиги арафасида ана шу стационар ишга туширилди. Бу ерда бўлиб ўтган митингда Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари оғир йилларда социалистик Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган жангларда ўз ҳаётини аямаган кишилар тўғрисидаги тинимсиз ғамхўрлик учун Коммунистик партия билан Совет ҳукуматига қизғин миннатдорчилик изҳор қилдилар. (ЎзТАГ).

Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ҳамиша партия ва ҳукуматимизнинг бемисл ғамхўрлигини, халқимизнинг ҳурматэътиборини ҳис этиб турадилар. Гитлерчи босқинчилар устидан қозонилган буюк галабанинг 35 йиллиги арафасида Тошкентда уруш қатнашчилари учун махсус стационар иш бошлади. Йиғирма гектарлик мевазор боғ бағридаги бу шифохонанинг терапия ва неврология бўлимларида бир йўла 200 киши дам олиб даволаниши мумкин.

Суратларда: уруш ветеранлари стационарининг умумий кўриниши; ўнгда — шифохонанинг биринчи беморларидан С. Умаров медицина ҳамшираси, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси К. Алмаева билан суҳбатлашмоқда.

Г. Пун фотоси. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йил самарали ишлаганлиги, қишлоқ хўжалиги учун юқори малакали мутахассислар тайёрлашдаги ҳизматлари учун ва туғилган кунига 70 йил тўлиши муносабати билан Тошкент қишлоқ хўжалиги институти кафедрасининг мудири, ўртоқ Вадим Анатольевич Буригинни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

СОВЕТ ХАЛҚЛАРИНИНГ ЛЕНИНЧА ДЎСТЛИГИ

НАЗАРИЯ МАСАЛАЛАРИ

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи тарихда инсон ҳуқуқли халқлар дўстлиги ва ўзаро қардошларча ҳамкорлигидир. Бу муносабатлар социализмнинг энг ажойиб ғалабаларидан бири, совет жамиятини ҳаракатга келтирувчи қудратли куч бўлиб, у социалистик тузумнинг гранитдек мустаҳкам заминига, Коммунистик партия раҳбарлигида бирлашган меҳнат аҳлларининг муштарак манфаатларига асосланган.

Бизнинг мамлакатимиз энг мураккаб миллий масалани марксча-ленинча ҳал қилишнинг ажойиб намунасини кўрсатди. СССР халқлари дўстлигининг буюк бунёдкор кучини, партиямиз ленинча миллий сиёсатининг назарий қоидалари тўғри ва ҳаётийлигини тарих ишончли равишда исботлаб берди. Ҳозирги воқелик эса уни янги-янги далиллар билан тасдиқламоқда.

В. И. Ленининг илгари сурган ғояларидан ҳаётий ҳулоса чиқариб, СССРда социализм қурилиши халқларнинг чинакам равнақи, маънавий ва социал жиҳатдан ўсиши миллий бинқиқлик ва алоҳидалик йўли билан эмас, балки янги ҳаёт қурилиши йўлида бахамжиҳат куч-ғайрат сарфлаш натижасида юз бериши мумкинлигини кўрсатди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда юздан ортиқ миллат ва элатлар яшамоқда. СССР Конституциясида кўрсатилганидек, уларнинг ҳар бири сон жиҳатидан қанча бўлишдан қатъи назар, давлат, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларидан барча халқлар билан баб-баравар баҳрамand бўлмоқдалар.

Социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари ҳар бир миллатнинг ишлаб чиқарувчи кучлари гуркираб ўсиши ва халқларнинг ўзаро интенсив муомалада бўлиши учун кенг имкониятлар яратди. Хўжалик планларида ҳар бир миллатнинг ўз моддий ва маънавий имкониятларидан ҳар қачонгидан ҳам яхши фойдаланишга, республикалар халқ хўжалиги ва иқтисодий районларни комплекс ривожлантиришга, уларни ихтисослаштириш ва кооперациялаштиришга, иқтисодий алоқаларни кучайтиришга, СССР ягона хўжалик организми доирасида меҳнатнинг территориал тақсимлаш самарадорлигини оширишга асосий эътибор берилмоқда.

Дастлабки беш йилликлар даврида мамлакатимиз халқларининг бирғалиқдаги куч-ғайрати билан Уралда Магнитогорск металлургия гиганти, Украинада ўша даврнинг энг йирик бўлган ДнепроГЭС бунёд этилди, Туркистон-Сибирь темир йўли, социалистик индустриянинг тўғриқ корхоналари бўлган Сталинград, Харьков, Челябинск трактор заводлари, Ўзбекистонда Катта Фарғона канали қурилди. Кейинчалик Волгада, Ангара, Енисей, Вахшда йирик электр станциялар, Москва, Тошкент, Навоий, Липецк, Руставида қудратли ва замонавий корхоналар қад кўтарди. СССРда саноат ишлаб чиқариши революциядан олдинги даврдагига нисбатан 145 баравар кўпайгани ҳолда, Қозоғистонда — 223 баравар, Молдавияда — 250 баравар, Арманистон ва Қирғизистонда — 300 баравардан кўп, Ўзбекистонда эса — 240 баравардан кўп ўсди. Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари бир авлод умрига тенг даврдаёқ феодализмдан социализмга ўтдилар.

Бизнинг бу борадаги ютуқларимиз шунчалик катта ва шунчалик ҳайрон қолдиралики, ҳатто Советларга қарши бўҳтон ёғдиришда тиши қайралган буржуа пропагандаси ҳам бу ютуқларимизни тан олишга, социализмнинг бунёдкорлик имкониятлари чексиз экانлиги ҳақида гапиришга мажбур бўлмоқда.

Иттифоқдош республикалар иттифоқи индустриал, техникавий жиҳатдан замонавий характерга эгадир. Ҳар бир республикада, аслини олганда, саноат, шу жумладан техника тараққиётини белгиловчи тармоқлар янгидан барпо этилиб, юксак босқичга кўтарилди.

Масалан, Ўзбекистоннинг индустриал қиёфаси энергетика, химия, нефть, кўмир, газ, кон-металлургия, олтин қазиб чиқариш, электротехника, самолётсозлик, машинасозлик, электрон саноатидан иборатдир.

Молдавия ССРда анъанавий тармоқ — узумчилик ҳамда ҳўл мева ва сабзавотларни қайта ишлаш корхоналари билан бирга машинасозлик ва бошқа тармоқлар барпо этилди.

Қирғизистон ССРда машинасозлик, замонавий кўмир саноати, рангли металлургия, станкосозлик янгидан барпо этилди. Енгил ва озиқ-овқат саноати тез суръатлар билан ривожланди.

Республикамиз корхоналаридан мамлакатимизнинг ҳамма томонларига юборилаётган саноат маҳсулотлари ичида пахта ва ипак толасы, сабзавот, ҳўл мевадан тайёрланган машиналар ва асбоб-ускуналар, газламалар, нефть маҳсулотлари, приборлар, двигателлар, самолётлар, насослар, рангли металлар, сим, кабель ва шу сингари бошқа кўпгина муҳим маҳсулотлар тобора кўп ўрин олмоқда. Бунинг эвазига бизга бошқа қардош республикалардан мавжуд корхоналарни модернизациялаш ва янгиларини қуриш учун асбоб-ускуналар, халқ истеъмоли моллари, ҳом ашё ва материаллар оқими кўпаймоқда.

Эндиликда юклар оқими социалистик меҳнат таксимоти принципи асосида, ишлаб чиқаришни ҳом ашё манбаларига яқинлаштириш мақсадида ташкил этилган. Бизнинг республикамизда қишлоқ хўжалиги ҳом ашёсини тайёр товарга ва маҳсулотга айлантирувчи корхоналар, маҳаллий конлар базасида ишловчи кон-металлургия корхоналари ҳудди шу тарзда вужудга келди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Ўрта Осиёдаги ирригация ва энергетика қурилишлари учун цемент юбормоқда.

Ўзбекистон Иттифоқдаги энг йирик қурилишларни, жумладан, Байкал-Амур магистралини машиналар билан комплектлашда актив қатнашмоқда.

Республикамиз саноат корхоналари билан бошқа қардош республикалар саноат объектлари ўртасидаги алоқалар тобора кенгаймоқда. Тошкент ва Иваново тўқувчилари, Чирчиқ ва Лесичанск кимёгарлари, Бекобод ва Урал металлургиялари, Ангрен ва Қараганда кончиларининг ўзаро мусобақалари яхши самаралар бермоқда.

Социалистик мусобақа давомида РСФСР ва Ўзбекистон кўпгина корхоналарининг бир-бири билан дўстлиги чиниқмоқда, янги мазмун касб этмоқда. Ўзбекистонга ёғоч ва цемент, ойна ва кабель, автокранлар, бульдозерлар, насослар оқтилган эшелонлар пайдар пай келиб турибди. Шонли рус ишчилар синфи қўли билан яратилган металл кесувчи станоклар ва қора металлар прокати, темирчилик, пресс ускуналари ва подшипниклар, электр двигателлари ва экскаваторлар Ўзбекистон корхоналарига ўзлуксиз келиб турибди.

Ўз навбатида, Ўзбекистон ишчилар синфи ҳам муносиб жавоб қилмоқдалар. Ўзбек халқининг фахри бўлмиш «оқ олтин» ва «Таштекстильмаш» маркаси қўйилган тўқимачилик дастгоҳлари Ленинград, Иваново, Бурғия тўқимачилик корхоналарида ўрнатилган. Бухоро—Урал ва Ўрта Осиё — Марказ газ қувури халқлар дўстлигининг пўлат иплари бўлиб қолди. Ўзбекистон ғази Свердловск, Ленинград, Москва ва бошқа рус шаҳарларига иссиқлик ва нур бағишламоқда. Бизнинг республикамиз Совет Россиясига Андижон дизеллари ва насосларини, Чирчиқ қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металларини, Тошкент кабели ва бошқа кўпгина маҳсулотларни юбормоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон маҳсулоти Европа, Осиё, Африка, Америка қитъаларидаги 70 мамлакатга юборилмоқда. Бизнинг республикамиз пахтачилик учун машиналар ва тўқимачилик ускуналари, пахта толаси, қорақўл экспорт қилиш бўйича Совет Иттифокида биринчи ўринда туради. Бу ютуқларнинг ҳаммаси КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг Ўзбекистон ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришга доимий ва катта эътибор бериб келаётганлигининг, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари катта ташкилотчилик ва ғоявий-тарбиявий ишлар олиб бораётганликларининг натижасидир. Бу ютуқларнинг ҳаммаси социалистик афзалликларининг, меҳнаткашлар, аввало, шонли ишчилар синфи қаҳрамонона куч-ғайратининг самараларидир.

Султон Жўра туғилган куннинг 70 йиллигига

ҲАЁТ МАНГУ ЯШНАСИН ДЕБ...

Қардош Белоруссиянинг Гомель областидаги Лоев районида Козероги қишлоғи бор. Қишлоқ ёнида яшил ўрмон бағрида ҳазин бир сукунатга чўмган биродарлик қабристони. Ундаги қабрлардан бирига ўрнатилган мармар лавҳада шундай ёзувни ўқиш мумкин:

«Султон Жўраев. 1910 йилда туғилган. Ўзбек халқининг шонли фарзанди. Шоир, пулемётчи-кавалерист. 1943 йил 10 ноябрда Лоев шаҳрини озод қилиш вақтида немис-фашист босқинчиларига қарши олиб борилган жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлган».

Бошқа қабрлар каби бу қабр устидан ҳам қишин-ёзин яшноқ гуллар аримайди. Улар халқ муҳаббатининг тимсоли. Келажак авлодларнинг бахт-саодати, осуда ва масрур ҳаёти йўлида, ерда ҳаёт мангу яшнасин деб жон фидо қилган қаҳрамон фарзандларини халқ мангу ардоқлайди.

Султон Жўра атиги ўттиз уч йил умр кўрди — у авжи қирчиллама йигит ёшида ҳаётдан кўз юмди. Лекин шундай бўлсада, у халқ қалбидан ўзига мангу ўрин топа олди. Бугун биз адабиётимиз тарихини варақлар эканмиз, Султон Жўранинг номини ҳам ифтихор билан тилга оламиз. Бугун биз ўзбек ва белорус халқлари ўртасидаги дўстлик ҳақида гапирар эканмиз, шу дўстликни барпо этишда жон фидо этган Султон Жўра каби баҳодирлар ҳиссасини эҳтиром билан таъкидлаймиз. Султон Жўранинг Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти билан тақдирлангани, Н. Островский номидаги ёдгорлик медали билан мукофотлангани ҳам халқ муҳаббатининг нишонасидир. Хўш Султон Жўра қисқагина умрида нималар қилдики, шу қадар ҳурмат, эътиборга, эъзоз ва ардоққа сазовор бўлди? Шоирлиги учунми? Моҳир педагоглиги учунми? Жасур жангчилиги учунми? Ҳа, албатта. Лекин фақат шулар учун эмас. У тили билан дили, сўзи билан иши, шеъри билан эътиқоди бир инсон эди. Албатта, тил ва дилнинг бирлиги фақат Султон Жўрага хос фазилат эмас, совет ёзувчиларининг кўпчилиги шу хислатга эга ва буни юзлаб, минглаб марта ҳаётда намойиш этишган. Қолаверса, бу, умуман, янги инсонга — совет кишисига хос фазилат. Лекин у ҳар қанча кенг тарқалган бўлмасин, ҳар гал бирор шахснинг фаолиятида намоён бўлганида, бу мамнуният туйғусини қўзғайди.

«Мен умримда тилга олмадим бирор оғиз ёлғон ибора» деб ёзган эди Султон Жўра шеърларидан бирида. Бу шунчаки хонаси келиб қолганида айтилган омади гап эмас. Бу гапнинг ҳақлигини унинг бутун умри ва бутун ижоди тасдиқлайди. Султон Жўранинг «Меҳнат қўйнида» деб аталган шеъри биринчи бор матбуотда 1927 йилда босилган эди. Шундан кейин Султон Жўра ҳаммаси бўлиб ўн олти йилгина ижод қилди. Шу йиллар мобайнида у кўпгина лирик шеърлар, достонлар, болалар учун жозибадор асарлар яратди. Бироқ, китобхон олдидаги масъулият туйғуси кучли бўлганидан ўзи ҳаётлигида атиги иккита тўплам эълон қилди, холос. Булар «Фидокор» (1939) ва «Москва» (1941) деган тўпламлардир. Албатта, Султон Жўранинг адабий меросига бугунги шеъриятимиз юксаклигидан қарасак, анча-мунча қусурлар топиш мумкин. 30-йиллар шеъриятида мавжуд бўлган айрим нуқсонлар, поэзиянинг моҳияти ва вазифаларини бир томонлама талқин қилиш оқибатида туғилган баъзи бир камчиликлар Султон Жўра ижодини ҳам четлаб ўтган эмас. Бироқ, Султон Жўра ижодидаги қусурларни босиб кетадиган бир жиҳат борки, бу шоирнинг самимийлигидир. У нима тўғрида куйлямасин, нимани қаламга солмасин, кўз ўнгида содир бўлаётган қайси воқеадан қувониб, шодланмасин, бири-бир, туйғуларини ғоят самимий ва ҳаққоний ифодалайди. Унинг шеърияти ҳаётдаги хилма-хил ҳодисаларга бағишланган бўлса-да, асарларининг ҳаммасида битта бош мавзу бор. Бу — Ватан мавзуи. Шоир Ватан ҳақида тўлиб-тошиб, эҳтирос билан тўлқинланиб куйлайди. Унинг шеърларида гап нима тўғрида кетмасин, бири-бир, бориб шу бош мавзуга — Ватан мавзусига уланади. Бу бежиз эмас, албатта. Ватан Султон Жўра учун дунёдаги энг ардоқли, энг азиз, энг мўътабар тушунча. Султон отаонасидан эрта ажралиб, етимликда ўсган. Ватан унга отаоналик қилган, унинг пешонасини силаган, илм берган, ҳаётда ўз ўрнини топиб олишига кўмаклашган. У ҳаётда нималарга эришган бўлса, буларнинг барчаси Ватан туфайли, Ватанда жўш урган янги ҳаёт туфайли. Бироқ, гап фақат Султон Жўрада эмас. Янги ҳаёт, Ватан Султон Жўра каби юз минглаб, миллионлаб одамлар учун бахт эшигини очди; Ватан, янги ҳаёт асрлар мобайнида меҳнаткаш одамлар қалбида ардоқлаб келган энг эзгу орзулар ушалган, энг юксак идеаллар амалга ошган маскан бўлди. Шунинг учун ҳам шоир Ватанни улуғлайди, унга фарзандлик садоқатини ифодалайди, янги ҳаётни тараннум этади. У шу гўзал Ватаннинг бахтиёр шоири бўлгани учун ифтихор туйғуларини бор овозда юксак оҳангларда куйлайди.

Султон Жўра шеърларида яна бир мавзу бор. Бу нур ва кураш, парвоз мавзусидир. Шоир Шимолий Қутбни забт этган учувчилар ҳақида кўп шеърлар ёзган. Унинг шеърларида, умуман, парвозга илҳам берган одамларнинг образи кўп учрайди. Бу жиҳатдан лоақал «Парвознома» достонини эслаш кифоя. Шоир учун парвоз, нурга интилиш, тор қафасларни ёриб, кенгликларга интилиш инсоннинг энг ажойиб фазилатларидан биридир. Унинг шеърларида нур эркинлик ва бахтнинг тимсоли сифатида кўринади. Инсон ҳамиша нурга, бахтга интилиб яшаган. Инсон ҳаётини эзулмат ва жаҳолат қоплаган кезларда ҳам буюк ақл эгалари инсонийликни шарафлаб, эрк, нур ва бахт ҳақидаги ғояларни тасдиқлаганлар, бу йўлда ҳатто жон фидо этганлар. Бундай одамлар шоир назарида ҳақиқий қаҳрамон. Уларни ҳар қанча улуғласа, ҳар қанча эъзозласа арзийди.

Султон Жўра Италиянинг буюк олими файласуф ва математик Жордано Бруно ҳақида ажойиб достон яратди. Султон Жўра Бруно образини яратар экан, унинг биографиясини барча тафсилотлари билан беришга ёҳуд XVI аср Европа воқелигининг жами ҳислатларини муфассал ёритишга интилади.

Султон Жўра болалар шоири ҳам. У болаларга, жондай севимли «нинничаларга» Ватан истиқболини таъминлайдиган одамлар деб қараган ва шунинг учун бутун қувватини уларни тарбия қилишдек шарафли ишга бағишлаган. Унинг асосий касби ўқитувчилик эди. У аввал Бухорода, кейин ўн икки йил давомида Андижонда ўқитувчилик қилди. У ўзбек тили ва адабиёти воситасида болаларда энг яқин инсоний фазилатларни тарбиялашни орзу қилди, бу ишда тинимсиз янги-янги йўллар ва воситалар излади. Болалар учун шеър ёзишни ҳам шу катта мақсадга бўйсундирган эди. Унинг болаларга аталган шеърлари унча кўп эмас, бироқ уларда шоир болалар психологиясини чуқур билгани, энг муҳими эса, уларни улкан бир муҳаббат билан севгани яққол кўриниб туради. Бу шеърлар бугун ҳам қимматини йўқотган эмас.

1942 йилда Султон Жўра фронтга кетади. У жанг майдонларида ҳам ўз бурчини астойдил ва ҳалол ўтади. Унинг қуролдош дўстлари бир воқеани ҳикоя қилишади: маълумки, адабиётдаги хизматлари учун Султон Жўра 1939 йилда «Ҳурмат Белгиси» ордени билан мукофотланган эди. У орденни ўзи билан фронтга олиб кетган ва биринчи жангга орденини артиб, ялтиратиб, кўкрагига тақиб кирган. Шу фактнинг ўзиёқ Султон Жўрада совет кишисига хос бўлган ифтихор нечоғлик қудратли бўлганидан далолат бериб турибди. Фронтда у ҳарбий жасорати учун «Ватан уруши» ордени билан мукофотланди. 1943 йилда эса Султон Жўра большевиклар партияси сафига киради. Уруш йиллари Султон Жўра ғалаба учун кўп шеър ёзгани йўқ. Бироқ, Ленин партиясига аъзо бўлиб кириш шоир ҳаётида шундай улуғ ҳодиса эдики, унинг қалби бу ҳодисага шеърий акс садо бермай туролмас эди. У 1943 йил 10 октябрь куни «Партбилетни оларкан» деган шеърини ёзади. Унда шундай мисралар бор:

Ҳам миллатим, ҳам созим — ила
Шу унвонни оқламоқ қарзим.
Майдон ичра, гарчи, зарур — экан,
Жон фидолик — жангговар — фарзим.

Бу шеър Султон Жўра қаламига мансуб сўнгги шеър эди. Орадан роппа-роса бир ой ўтгач, 1943 йил 10 ноябрь куни У Козероги ўрмонидаги жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Бу унинг жанговар дўстлари учун ҳам, ўзбек адабиёти учун ҳам оғир йўқотиш бўлди. Султон Жўра хизмат қилган ҳарбий қисмнинг сиёсий ишлар бўйича раҳбари подполковник Алиевнинг шоирнинг умр йўлдоши Моҳира Жўраевага йўллаган мактубида шундай мисралар бор:

«Ҳурматли ўртоқ Жўраева! Сиз севикли Ватан олдида ўзининг улуғ бурчини бажарган турмуш йўлдошингиз билан фахрланганингиз арзийди, у мукаддас уруш тарихига киради ва келгуси насллар уни фахр билан тилга оладилар!»

Дарҳақиқат, бугунги авлодлар унинг номини фахр билан тилга олишмоқда. Бугун унинг номида кўчалар, мактаблар, пионер саройлари бор. Унинг шаънига ҳайкаллар қўйилган, бадиий асарлар ёзилган. Бугун Султон Жўра ҳаёт бўлганида 70 ёшга кирарди. У орамизда йўқ, лекин унинг руҳи, унинг асарлари биз билан бирга.

Озод ШАРАФИДДИНОВ.

ПЛАНЕТАМИЗДА

ФОТООБЪЕКТИВДА — ПОЛЬША ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ

Поляклар қадимий Краков шаҳрини «Польша архитектураси ва маданиятининг дурдонаси» деб аташади. Суратда: рассомчилик академиясининг талабалари Краковдаги шаҳар девори ёнида ўз асарларини намойиш этмоқдалар.

В. Мастюков фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ДАВЛАТ КЕНГАШИ ТУЗИЛДИ

Никарагуада қонун чиқариш вазифасини бажарувчи давлат кенгаши тузилди. Унинг составига сиёсий, жамоат, касаба союзлари ва бошқа ташкилотларнинг 47 вакили кирди.

Сандиночилар миллий озодлик фронтининг вакили Байардо Арсе кенгаш раиси қилиб сайланди. Давлат кенгаши мажлисида миллий уйғониш ҳукумати раҳбар кенгаши аъзоси Серхио Рамирес Никарагуа халқига мактубини ўқиб берди. У халқнинг чиқаётган манфаатларини ифода қилувчи давлат кенгашининг тузилганлиги муҳим эканлигини айтиб, бу кенгашда Сомоса диктатурасига қарши фаол курашган ва ҳозирги вақтда мамлакатни тиклашда қатнашаётган барча ташкилотларнинг вакиллари борлигини таъкидлади.

С. Рамирес Никарагуанинг революция ғалаба қозонганидан кейин ўтган 9 ой мобайнида эришган муваффақиятлари тўғрисида батафсил гапирди. У мамлакатда баликҳ маҳсулоти, кофе, шакарқамиш, гўшт, сут, тухум, тамаки, шунингдек кончилик саноати маҳсулоти ишлаб чиқариш ва етиштириш кўпайганлигини уқтириб ўтди. Ер ислоҳоти, саводсизликни тугатиш юзасидан миллий кампания муваффақият билан амалга оширилмоқда.

Ҳукумат меҳнаткашларнинг реал иш ҳақини кўпайтириш, пул қадрсизланиши устидан назорат ўрнатиш, ишсизликни камайтириш ва аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий турлари билан ҳамда бошқа энг зарур моллар билан таъминлаш чораларини кўрмоқда.

Халққа мактубнинг ташқи сиёсатга доир қисмида Никарагуа қўшилмаслик ҳаракатининг аъзоси эканлиги ва бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик, ўз тақдирини ўзи белгилаш, мустақиллик ва социал тараққиёт принципларига қаттиқ амал қилиш уқтириб ўтилади. Никарагуа янги адолатли халқаро иқтисодий тартиб ўрнатилишини талаб қилади.

Бизнинг ташқи сиёсатимиз, деб таъкидлади С. Рамирес, миллий манфаатларга мос бўлган антиимпериалистик сиёсатдир. Блокларга қўшилмаган ва социалистик мамлакатлар билан муносабатлар ўрнатилганлиги шу сиёсатнинг конкрет ифодасидир. Никарагуа, деди у, қамал қилишнинг ҳар қандай шаклига қарши ва ўзгалар территориясида ажнабий ҳарбий базаларнинг, шу жумладан Куба территориясидаги Гуантанамода АҚШ ҳарбийденгиз базасининг бўлишига қарши курашади. (ТАСС).

9 МАЙ — ЧЕХОСЛОВАКИЯ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ — ЧЕХОСЛОВАКИЯ ФАШИСТ БОСҚИНЧИЛАРДАН ОЗОД ҚИЛИНГАН КУН

ЯНГИЛАНИШ

Чехословакиянинг шаҳарлари байрам либосида. Шу кунларда мамлакат Совет Армияси томонидан озод этилган куннинг 35 йиллиги шарафига кўчалардаги витриналарда совет солдатларининг 1945 йил май ойида Чехословакия аҳолиси билан учрашувини тасвирловчи асил фотопаннолар қўйилган. Мана шундай фотосурат Чехословакия матбуотида йил сайин эълон қилинади, виставкаларда кўргазмага қўйилади. Қўлларига болаларни кўтариб олган усти-боши чанг, ҳорғин совет жангчилари тасвирланган мана шу суратларга қараган киши қайтадан ҳаяжонга тушиши табиий. Гўдаклар жажжи қўллари билан солдатларнинг бўйинларини маҳкам қучоқлаб олганлар, уларнинг юзқўлларидан ўпадилар, орден ва медалларини ушлаб кўрадилар. Ўша пайтларда кўчаларда мана шундай манзара тез-тез учраб турар эди.

Ўша фотосуратларда тасвирланган болалар ҳозир 40 ёшга кирай деб қолган. Улар мана шу тасодифан олинган суратларни ҳалоскор совет дўстларини эслатувчи табаррук ёдгорлик деб асрамоқдалар. Мана, ўттиз беш йилдирки, уруш йилларида олинган фотосуратлар Чехословакиядан СССРга ва СССРдан Чехословакияга бориб келиб турибди. Дўстлар бир-бирларини доимо изламоқдалар. Усиб воя етган 1945 йилги болалар ва собиқ жангчилар яна учрашишга муштоқдирлар, чунки ўша зафарли йилда уларнинг дилларини тўлдирган умидлар энди рўёбга чиққан. Чехословакияда Чехословакияни озод қилган совет жангчиларининг тақдирини ақиқловчи жамоат ҳаракати юзага келган. Уларнинг номлари мактабларга, кўчаларга, майдонларга, корхоналарга қўйилмоқда. 35 йил мобайнида неча минглаб совет ветеранлари Чехословакия диёрига қайта-қайта бориб келдилар. Чехословакияда ҳам қурилган дунёдаги энг инсонпарвар ижтимоий тузум — социализм мамлакатни фашизмдан озод қилган Совет Армиясининг сўнмас жасоратига қўйилган гўзал ёдгорлик бўлиб қолди.

Озодликка эришиш Чехословакия меҳнаткашларининг янги турмуш йўлидаги илк қадамларига бўлган эди. Халқ миллий буржуазияга қарши қийин синфий кураш олиб бориш лозим эди. 1948 йил февралида мана шу душман устидан ғалаба қозонилди. Меҳнаткаш халқнинг иродаси билан бутун ҳокимият коммунистлар бошчилигидаги ҳукумат қўлига ўтди.

Жамиятни 1968 йилда тушиб қолган танг аҳволдан қутқариш янги Чехословакиянинг 35 йиллик тарихидаги муҳим босқич бўлди. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг интернационалистик ёрдами чехословак меҳнаткашларининг социалистик ғалабаларини сақлаб қолишда катта роль ўйнади, чунки ўнг оппортунист кучлар ва уларнинг империалист хўжайинлари мана шу ғалабаларни таҳликали хавф остида қолдирган эдилар.

Г. Гусак бошчилигидаги ЧКПнинг янги раҳбарлари партия турмушининг ленинча нормаларини қайта тиклаш, социалистик демократияни ривожлантириш, ғоявий-тарбиявий ишни чуқурлаштириш, социалистик хўжалик юритиш принципларини мустаҳкамлаш йўлини бошлади. Бу йўл ижобий натижалар берди. Коммунистик партия билан халқнинг бирлиги, меҳнаткашларнинг социалистик қурилишдаги актив иштироки, Чехословакия билан Совет Иттифоқи ўртасидаги бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик мана шу натижаларнинг энг муҳимларидир.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев билан ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак СССР билан ЧССР ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида бундан 10 йил муқаддам имзоланган шартнома, шунингдек КПСС билан ЧКП, СССР билан ЧССР ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги 1978 йилги қўшма баёнот Чехословакия — Совет дўстлигининг кўринишлари бўлди. Иккала мамлакатнинг иқтисоди ривожи учун ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялашни 1990 йилгача ривожлантиришнинг Совет — Чехословакия узоқ муддатли программаси катта аҳамиятга эга бўлади.

Кейинги ўн йил мобайнида ЧССРдаги миллий даромад 60 процент, меҳнат унумдорлиги 53 процент, саноат ишлаб чиқариши ҳажми эса 75 процент кўпайди. Мана шу умумий маълумотлар Чехословакиядаги социалистик қурилишнинг миқёслари тўғрисида тасаввур беради.

ЧССРда энергия манбалари унчалик кўп эмаслиги маълум. Аммо бунинг иложи топилди. Мамлакатда қўнғир кўмир қазиб олиш кўпаймоқда, атом электр станциялари қурилмоқда. Чехословакия Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар орасида биринчи бўлиб атом электр станциялари учун ядро реакторлари, турбиналар, буғ генераторлари ва бошқа машина-ускуналарни комплекс ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Эндиликда Чехословакия машинасозлиги социализм мамлакатларининг иқтисодий интеграцияси доирасида 440 минг киловатт қувватли атом энергетика блоклари ишлаб чиқаришга ихтисослашмоқда. Ядро реакторларидан бирининг корпуси ҳозирнинг ўзидаёқ Венгриядаги Пакш атом электр станцияси қурилишига жўнатилди. Ядро реакторлари ишлаб чиқариш технологиясининг ўзлаштирилиши — бу соҳада Чехословакия — Совет мустаҳкам ҳамкорлигининг натижасидир. Интеграция жараёнлари Чехословакия халқ хўжалигининг бутун структурасига чуқур сингиб кетди. Энди саноатнинг деярли ҳамма тармоқлари социалистик меҳнат тақсимотида у ёки бу даражада қатнашмоқда.

Чехословакия меҳнаткашлари социализм қурилишининг умумий объектив қонуниятларидан фойдаланиб, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ҳам юксак кўрсаткичларга эришдилар. Бу мамлакатда социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари давлат ва кооператив мулки тўла-тўкис ҳукмронлик қилмоқда. ЧССРда деҳқончиликка яроқли ерларнинг озлиги бу мамлакатдаги қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш хусусиятларини белгилаб берди. Шунга мувофиқ ишлаб чиқаришни ривожлантириш қишлоқ хўжалигини интенсивлаш йўлидан борди. Чехословакия қишлоғининг меҳнатчилари мамлакатни гўшт, сут, парранда, сабзавот билан тўла-тўкис таъминлаб турибдилар. 10 йил мобайнида ЧССРда дон етиштириш 27 процент, гўшт етиштириш 39 процент, сут етиштириш 18 процент, тухум етиштириш 21 процент кўпайди. Шу вақт ичида қишлоқ хўжалигида ишловчилар сони 213 минг нафар камайди, меҳнат унумдорлиги эса 45 процент кўтарилди. Мана шу муваффақиятларнинг ҳаммасида чехословак меҳнаткашлари социалистик принципларнинг ҳақлигига қаттиқ ишонганликлари, бутун кучни ишга солиб,ташаббускорлик билан ижодий ишлаётганликлари сабабли эришилди.

Чехословакия, унинг халқи, Коммунистик партияси ва ҳукумати тинчлик, кескинликни юмшатиш, қуролсизланиш учун курашда актив қатнашмоқдалар. Чехословакия халқи СССР билан иттифоқни ўзининг тинч социалистик ривожланишининг мустаҳкам гарови деб билади.

Л. ЛАТИШЕВ,
ТАСС мухбири.

«ЯМАШ» НИНГ ИЛОЖИ БЎЛМАДИ

Япония бош министри М. Охиранинг Мексикага қилган расмий визити тугади. У ана шу визит вақтида ўзининг бош мақсадига — Мексика томонининг нефть етказиб беришни анча кўпайтириш тўғрисидаги ваъдасини олишга муваффақ бўлолмади. «Иомиури» газетасининг ёзишича, Япония бош министри Эрон нефтини етказиб бериш тўхтатилганлиги munосабати билан мамлакатнинг энергетика балансида вужудга келган узилишни тариқа ямашни мўлжаллаган эди. Япония Американинг Эронга қарши сиёсий-иқтисодий «жазо чораларига қўшилганлиги сабабли Эрон уни нефть билан таъминлашдан воз кечди.

(ТАСС).

НАЗАРИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида 6 май куни Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган ғалабанинг 35 йиллигига бағишланган назарий конференция бўлиб ўтди. Олимлар, Ўзбекистон пойтахти олий ўқув юртларининг муаллимлари, уруш ветеранлари Европа халқларини гитлерчилар эзилмидан озод қилган Совет Армиясининг тарихий миссияси тўғрисида, Коммунистик партиянинг жуда катта ташкилотчилик роли ҳақида, совет кишилари дахшатли уруш йилларида кўрсатган фидокорлик ва қаҳрамонлик тўғрисида гапирдилар.

(ЎзТАГ).

ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАРНИ АВТОМАТЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Ҳар қандай илмий эксперименталар олимларга кўпдан-кўп ғоят хилма-хил ахборот беради. Социалистик мамлакатлар фанлар академиялари кўп томонлама ҳамкорлиги «Ҳисоб техникасининг илмий масалалари» проблемаси билан шуғулланувчи комиссияси ишчи группаларининг 6 май куни Тошкентда очилган кенгашида олинган маълумотларни қандай қилиб тез ва бехатар ишлаб чиқиш, тадқиқотларнинг энг машаққатли қисмини компьютернинг электрон «миясига» қандай қилиб юклаш масалалари, илмий изланишларни автоматлаш билан боғлиқ бошқа масалалар муҳокама қилинмоқда.

(ЎзТАГ).

ҚАРДОШ МАМЛАКАТ КИТОБЛАРИ

Чехословакия халқининг миллий байрами — мамлакат фашист босқинчиларидан озод этилганининг 35 йиллигига бағишланган китоб декадасини Тошкентда ЧССР нашрлари кўргазмаси очиб берди. «Дружба» китоб магазинида очилган бу виставкага қардош мамлакатдаги эллиқта нашриётнинг маҳсулотлари келтирилган.

Чехия ва Словакия муаллифларининг фашист босқинчиларга қарши халқ озодлиги курашида Чехословакия Коммунистик партиясининг раҳбарлик роли ҳақида ҳикоя қилувчи фотовиставка билан ҳам танишдилар.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон кўп миллатли республика. Бу диёрда ўзбеклар ва руслар, украинлар ва белоруслар, тожиклар ва татарлар, қозоқлар ва қирғизлар ҳамда бошқа миллат ва элат вакиллари ягона оила фарзандлари сифатида коммунизмнинг моддий-техника базасини қуришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Республикалар ишчилар синфи ва инженер-техник зиёлиларининг интернационал состави СССР халқлари қардошлиги ва ҳамкорлигининг, совет турмуш тарзи интернационаллашиб бораётганлигининг конкрет ифодаларидан биридир, миллатлараро муносабатлар чинакам социалистик характерга эга эканлигининг гаровидир. Ўз моҳиятига кўра, кишиларнинг янги бирлиги — совет халқи тобора жиплашиб бормоқда.

Кўп миллатли совет жамиятининг ривожланиши ва мустаҳкамланиши миллатлар равнақи ва айни вақтда уларнинг жиплашиб боришидан иборат икки жараён орқали юз бермоқда. Бу жараёнда ўзаро яқинлашув ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. В. И. Ленин бир неча бор айтганидек, миллий тўсиқларнинг емирилиши, СССР халқларининг яқинлашуви учун шарт-шароитларнинг шаклланиши ҳам моддий, ҳам маънавий соҳаларда юз бермоқда.

Совет халқи, уни ташкил этувчи барча миллатлар ва элатлар тақдирининг умумийлиги, бирдамликдаги кураши ва биргаликдаги меҳнати давомида юзага келган анъаналар, қарашлар, ҳаёт тажрибаси қудратли бирлаштирувчи асос бўлиб қолди.

Ленинча кооператив план муваффақият билан амалга оширилганлиги натижасида совет хўжалиги ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш учун кенг имконият очилди. Колхозлар ва совхозларда эндиликда энергия билан қуролланиш якка хўжалик шароитида бўлганидан 22—25 баравар кўпдир, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажми эса 1922 йил даражасидан 5 баравардан кўп ўсди. Шу вақт ичида пахтанинг ялпи ҳосили Туркманистонда 90 баравар, Ўзбекистонда 120 баравар кўпайди, Қозоғистон эса 1922 йилдагига нисбатан 30 баравар кўп ғалла етказиб бермоқда.

Барча қардош республикаларнинг беминнат ёрдами туфайли қисқа вақт ичида Қозоғистонда 25 миллион гектардан зиёд қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилди, Мирзачўлнинг сувсиз ерлари инсонга хизмат қилдирилди. Ўзбекистон ва Тожикистон халқлари елкама-елка туриб Катта Фарғона каналини қурдилар. Вахш водийсини ўзлаштирдилар, Фарҳод ва Қайроққум гидроэлектростанцияларини қурдилар. Ўзбекистон ва Туркманистон меҳнаткашлари қардошларча ҳамкорликда Бирик Озеро-ний коллекторини бунёд этдилар. Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон меҳнаткашлари ва 50 дан ортиқ бошқа қардош миллат ва элат вакиллари Мирзачўлни ўзлаштирдилар.

Мамлакатимизнинг ҳар бир республикаси ягона хўжалик комплекси доирасида табиий бойлиги, аҳолининг меҳнат кўникмасига қараб ўз хўжалигини такомиллаштириб бормоқда. Масалан, Ўзбекистон меҳнаткашлари пахта етиштиришни 1980 йилда 5 миллион 850 минг тоннага етказишлари керак. Бу 1979 йил планидан анча кўп демакдир. Бу мақсадга эришиш бизнинг ватанпарварлик ва интернационал бурчимиздир.

Буюк мақсадлар йўлидаги биргаликдаги меҳнат коммунизм қурувчиларини бўзилмас кўп миллатли оилага жипслаштирмоқда. Ҳар жабҳада бир-бирини қўллаб-қувватлаш уларнинг кучига куч қўшмоқда. Бу эса биргаликдаги меҳнат ғалабаларида яққол кўринмоқда. Асримизнинг буюк қурилиши бўлган Байкал-Амур магистрали ва Норак ГЭСи, Атоммаш ва КамАЗ, Сирдарё ГРЭСи ва Братск —Усть-Илим территориал ишлаб чиқариш комплекси барча совет кишилари учун жонажон иш бўлиб қолди.

Бугунги кунда Ўзбекистон мелиораторлари Россия Федерациясининг Нокоратўпроқ ерларини ўзлаштиришда фаол қатнашмоқдалар. Украина ва Кубань механизаторлари эса ўз далаларидаги ҳосилни тўрт йилгача Сибирь ва Қозоғистон ғаллакорларига ёрдамга ошиқадилар. Ленинча миллий сиёсат амалда эканлигини, совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм ғоялари ҳаётбахш эканлигини кўрсатувчи бу фактлар қалбларимизни чиндан ҳам чексиз фахр туйғулари билан тўлдиради.

Экономиканинг ўсиши негизида СССР халқлари қардошлик оиласида барча республикалар ҳаётида катта ўзгаришлар юз берди. Ўрта Осиё ва Молдавия мамлакатимизнинг турли жойларида жойлашган. Уларнинг аҳолиси Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар қариб ёппасига саводсиз бўлиб, маданий даражаси паст эди. Эндиликда эса Ўзбекистон, Молдавия, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон — юксак даражада ривожланган мамлакатлардир.

Янги тарихий бирлик — 266 миллиондан кўп совет халқи — кўп миллатли ва кўп тиллидир. Лекин мамлакатимиз тараққиётининг жадал суръатлари эндиликда ҳар бир халқнинг фойдали тажрибаси бошқа қардош халқларга қанчалик тез ва оператив баҳам кўрилишига ҳам боғлиқдир. Ҳозир бизда социал ва миллий тафовутларидан қатъи назар, совет кишиларининг характери, дунёқараши тобора ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмоқда.

1979 йилда ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотларига қараганда, 241,7 миллион кишидан 141,8 миллион киши рус тилини ўз она тили деб ҳисоблайди. Бундан ташқари, 42 миллиондан кўп киши рус тилини эркин гаплаша оладиган иккинчи она тили деб кўрсатган. Бинобарин, ўша вақтда бизнинг мамлакатимизда 184 миллион киши рус тилида эркин гаплашган. Бу эса СССР аҳолиси умумий сонининг тўртдан уч қисмини ташкил этади.

Бизнинг мамлакатимизда мазмунига, ўз тараққиётининг асосий йўналишига кўра социалистик формалари жиҳатидан хилма-хил ҳамда руҳи ва характерига кўра интернационал маданият гуллаб-яшнамоқда. Социалистик тузум қашшоқлик, ишсизликни тугатиб, совет халқи фаровонлигини бекиёс ошириб, Ватан фаровонлиги йўлидаги меҳнатда талант ва истеъдодларни тўла намоён қилиш учун ҳамма шароитларни яратиб берди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг бир ўзидагина йигирманчи йилларнинг охирида бутун Совет Иттифоқи халқ хўжалигида банд бўлганидан кўп олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар ишламоқда. Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларининг Фанлар академияларида ва илмий тадқиқот институтларида минг-минглаб олимлар фаол меҳнат қилмоқдалар. Ўзбекистон илмий ходимлар сони жиҳатидан Совет Иттифоқида тўртинчи ўринда туради.

СССРнинг ривожланишида КПСС XXV съезди янги тарихий даврни очди. У ер юзининг олтидан бир қисмида яшовчи бахтиёр катта оила ривожланган социализм даврига кирганлигини билдиради. Мамлакатимиз коммунистлари олий анжуманининг қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу съездда қилган ҳисобот доклади марксизм-ленинизмни ижодий ривожлантиришнинг ажойиб ҳужжатларидир. Бу ҳужжатлар партиямиз ленинча миллий сиёсати назарияси ва практикасини янада бойитди. Уларнинг мазмуни мамлакатимизда яшовчи барча халқларни ўнинчи беш йиллик учун белгиланган улкан вазифаларни бажариш асосида янада яқиндан жипслаштириш учун зарур шароит яратишдир.

Ҳозирги вақтда бутун мамлакатимиз, республикамиз, ҳар бир корхона ва ҳар бир меҳнаткаш олдида муҳим вазифалар турибди. Бу вазифаларнинг моҳияти ва мақсади КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленумида, ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда қилган докладида баён қилиб берилди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев айтганидек, кўп миллатли совет халқининг бирлиги олмосдек мустаҳкамдир. Олмос ўзининг бутун қирралари билан қанчалик товланса, халқимиз бирлиги ҳам ўзининг бой, тўлақонли, эркин ва бахтли ҳаёти билан шунчалик товланаверади.

В. ШАПОВАЛЕНКО,
тарих фанлари доктори, профессор.

НУРЛИ ЛЕНТАЛАР

Тошкент кинофестивали ҳақида ҳар қанча фахрланиб ёзса арзийди. Чунки, у бир йўла уч қитъа кино усталарини учраштирмоқда. Бу учрашувлар эса, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежнев таъкидлаганидек, дўстлик ва ижодий ҳамкорлик муҳитида ўтиб, Ер юзида тинчлик ва ҳавфсизликни мустаҳкамлаш, халқларнинг ижтимоий ва маданий ривожланиши, миллий мустақиллик ва демократия учун кураш вазифаларига мос бўлиб тушмоқда. Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги тараққийпарвар санъат арбоблари ўртасидаги, дунёдаги барча мамлакатлар кинематографчилари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Кинофестивалнинг бутун жаҳон кинематографиясини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси гоятда салмоқли ва улуғвор. У туфайли Ер юзининг турли бурчакларида, турли халқлар вакиллари томонидан тўпланган ижодий тажрибалар бир «давра столи» атрофида ўзаро-баҳам кўрилаётир, замонавий кинони ривожлантиришнинг долзарб масалалари кенг муҳокама қилинаяпти, уч қитъа тараққийпарвар кинематографияси қандай равнақ топаётганлигининг объектив манзараси кўзга яққол ташланмоқда.

Тошкент фестивали бошқа халқаро кинокўриклардан кескин фарқланади. Масалан, бу ерда кўпи кеча ўзининг илк кинокадрини яратган, кино санъати соҳасида эндигина дастлабки мустақил қадамларини ташлаётган ёш ривожланаётган мамлакатлар йилига юзлаб, ҳатто мингlaб фильмлар ишлаб чиқараётган, «энг муҳим санъат» (В. И. Ленин) соҳасида аллақачон довруқ таратган давлатлар билан бир қаторда, теппа-тенг иштирок этадилар. Кино санъати орқали юксак инсонпарварлик ғояларини тарғиб қиладиган, ўз таланти ва ижодий ғайратини тинчлик ва ҳамжиҳатликни қарор топтиришга, инсоннинг озодлиги учун, унинг порлоқ келажаги учун кураша сафарбар этаётган ҳар қандай кинематограф Тошкент кинофестивалининг қатнашчиси ёки меҳмони бўла олади. Қолаверса, фестивалнинг «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» деган муқаддас шиори бор.

Фестиваль қатнашчилар ва меҳмонлар учун ҳам, мезбонлар учун ҳам бирдай бебаҳо имконият демакдир. Планетанинг турли бурчакларидан Тошкентга ташриф буюраётган санъаткорлар, маданият арбоблари ва намояндалари анжуман кунлари дунёга дўстлик ва қардошлик, қолаверса, фестиваль шаҳри деб донг таратган гўзал пойтахтимиз билан, жонажон Ўзбекистонимиз ва унинг бугунги равнақи билан яқиндан танишмоқдалар. Энг муҳими улар куёшли республикамиз тимсолида Улуғ Октябрь туфайли гуллаб-яшнаган она-Ватанимизни кўришяпти.

Биз эса, илғор инсонпарвар идеалларнинг тантанаси учун астойдил курашаётган чет эллик санъаткорларнинг ижодлари билан яқиндан танишмоқдамиз, дунё ҳаритаси ва кинематография меридианларида пайдо бўлган янги мамлакатлар ва янги номлардан огоҳ бўляпмиз, эндигина шаклланиб келаётган, ривожланаётган мамлакатлар ёш кинематографиясининг ютуқларини кўриб, ҳис этаётирмиз.

Тошкент кинофестивали ҳозирга қадар жуда кўп санъаткорларни кашф қилди. Аниқроғи, бугунги кунда жаҳонга маълум ва машҳур бўлган кинорежиссёр, актёр ва актрисаларнинг катта бир гуруҳи илк ижодини даставвал Тошкентда кўрсатиб «Оқ йўл!» олган. Биз бу ўринда Рахилио Парис (Куба), Муҳаммад ал-Зубайдай (Сурия), Карлос Фрейер (Коста-Рика), Патрисио Гусман, Себастьян Аларкон (Чили), Сиди Санггоре (Мали), Пок Ток (Кампучия), Алисия Энсинас, Сусана Досамантес (Мексика), Тереза Диоп (Сенегал), Абдулваҳоб Дукҳомий (Марокаш), Бабитта (Бангладеш) сингари кинематографчилар номларини фахр ва ҳурмат билан тилга оламиз. Бу санъаткорлар Тошкент кинофестивалларида актив иштирок этишяпти. Улар учун бизнинг фестиваль — Улуғ дўстлик даврасидаги, маҳорат мактаби, уч қитъа кинематографияси кўзгуси, дўстлик ва ижодий ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлайдиган ҳаётбахш куч. Марокашлик киноактриса Лайло Шенна эса, шундай дейди:

Сенга шараф, фестиваль!
Чунки
Экранингдан ёғилади нур.

Бу нур тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун кураш нуридир! У порлайверсин, уч қитъа бўйлаб таралаверсин.

Б. ЮНУСОВ.

ТЎЙХАТ

ЖАНГЧИ АДИБГА

Москвада яшаётганимга анча вақт бўлиб қолди. Вақт ўтган сари тез-тез Ўзбекистонни эслайман. Кўз олдимга унинг кенг пахта майдонлари, гуллаган боғлари, тоғ ва водийлари келади. Ва энг аввало, унинг ажойиб одамларини эслайман. Таниш-ларимнинг қиёфаларини кўз ўнгимга келтираман. Ғафур Ғулом ва Ҳамид Олимжон, Туроб Тўла ва Рамз Бобожон ва бошқа ўртоқлар билан бўлган учрашувлар ёдимда ўрнашиб қолган.

Аммо мен кўпроқ Адҳам Раҳмат билан учрашганман, яқиндан танишганман. Бизнинг дўстлигимиз ёшликда бошланди, ёшимиз кексайганда эса янада мустаҳкамланди. Шу сабабли унга йўллаган мактубимни газетанги-з саҳифасида босишингизни илтимос қиламан.

Қадрли Адҳам ака! Сизни Москвада кўрганимда қиёфангизда ўзим севиб қолган Ўзбекистонни кўргандек бўламан.

Яқинда бутун мамлакат ҳамюртингиз, инқилобнинг оташин куйчиси, Ўзбек совет адабиётининг асосчиси, драматург, шоир ва маърифатчи Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий туғилган кунинг 90 йиллигини кенг нишонлади. Сиз, Ҳамзадан йигирма йил кейин туғилгансиз. У сизнинг биринчи ўқитувчингиз бўлган. Ҳамза машҳур шоир бўлиб танилганида сиз эндигина шеър ёза бошлаган эдингиз. Ҳар бир учрашувимизда Ҳамзани эслайсиз. Унинг асарлари ҳақида ҳикоя қилиб берасиз, шеърларини ўқийсиз. Ўз ҳамюртингиз билан ҳақли равишда фахрланасиз.

Тантанали юбилей кунларида босиб ўтилган йўлга назар ташлаш одат бўлиб қолган. Сиз жуда ёшлигингиздан бошлаб болалар уйида тарбияландингиз, кейин техникумда ўқидингиз. Наманган яқинидаги қишлоқ мактабида дарс бердингиз. Аммо сизни ёзишга бўлган иштиёқ тинч қўймасди. Аввалига Риштон район газетасида, сўнгра эса Кўқонда чиқадиган «Янги Фарғона» шаҳар газетасида мақолаларингиз билан кўрина бошладингиз. Менинг ҳисобимга кўра, бу йил сиз яна бир санани — матбуотда ишлаётганингизнинг 50 йиллигини нишонлайсиз. Яна бир муҳим воқеани — СССР Ёзувчилар союзига аъзолигингизнинг 45 йиллигини ҳам эсламасдан бўлмайди. Алексей Максимович Горький қўл қўйган аъзолик билетини фахр билан менга кўрсатганингиз ҳамон ёдимда.

Улуғ Ватан уруши бошланиб қолди. Фронтга кўнгилли бўлиб жўнадингиз.

Фашизм билан бўлган шиддатли жангларда иштирок этдингиз. Кўксингизни безаб турган орден ва медаллар ана шу жасорат ва қаҳрамонлик ҳақида ҳикоя қилади. Жанглар оралигидаги бўш пайтларда бўлажак китобларингизнинг ёзувларини олиб бордингиз. Фронт йилларида кўплаб шеърлар, очерклар, мақолалар ёзилди. Ўнлаб блокнотлар тўлдирилди, жуда кўп воқеалар хотирангизда муҳрланиб қолди. Урушдан кейин ўз ижодингизни Ватан ҳимоясига қўксини қалқон қилган кишиларни излаб топиш ва улар ҳақида ҳикоя қилишга бағишладингиз.

Ҳамон ёдимда, «Совет Ўзбекистони» (ўшанда «Қизил Ўзбекистон» эди) газетасининг Наманган области муҳбири бўлганингизда ёки Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида инструктор бўлиб ишлаганингизда бутун бўш вақтингизни ижодга берардингиз. Сизнинг бутун фаолиятингиз ўз орзуларингизни амалга оширишга, кўпминг сонли ўқувчиларга, энг аввало, ёшларга ўзбекистонлик кишиларнинг Улуғ Ватан уруши йилларида кўрсатган жасоратини мадҳ этишга қаратилди. Сиз ўз ҳаётингизни ҳужжатчи адиб сифатида тириклар ва ўликларни қидириб топишга бахшида этдингиз. Шунинг учун ҳам республикада фахр билан «Адҳам Раҳмат — бизнинг ўзбек Сергей Смирновимиздир» дейишади.

Ҳа, уч мингдан ортиқ қаҳрамонлик кўрсатган жангчининг тақдирини аниқлаш осон эмас. Катта синчковлик ва сабот билан олиб борилган бундай изланишнинг ўзи ҳам катта жасорат.

Ҳар йили учрашамиз. Кўпинча бу Москвада бўлади. Шулардан бири ёдимда қолган. Москвага келган заҳотингиз адреслар ва собиқ жангчиларнинг телефонлари ёзилган кўҳнагина дафтарчангизни олиб, телефон қила бошладингиз. Учрашув ҳақида келишиб олдингиз. Сўнгра эса яна йўлга отландингиз:

— Эртага кетяпман.
— Тошкентгами?
— Йўқ, Брестга.
— Яна-я? Нечанчи марта бораясиз?

— Брест қалъасида жанг қилган ҳамюртларимизнинг янги номлари топилибди.

Брест қалъаси Сизга жуда ҳам таниш. У ердаги ҳар бир тошни, барча архив ва музей ҳужжатларини яхши биласиз. Белоруссиянинг кўпгина қишлоқларини пиёда босиб ўтгансиз. Буларнинг ҳаммаси сизга руслар, украинлар, қозоқлар, қирғизлар, белоруслар ва бошқа миллат вакиллари билан елкама-елка туриб, Улуғ Ватан уруши фронтларида жанг қилган кўплаб ўзбекларнинг номини тиклашга ёрдам берди. Ана шу ишларингиз самараси ўлароқ «Брест лавҳалари» китобингиз дунёга келди. Ана шу лавҳалардан ўқувчилар Брест ҳимоясида қатнашган тошкентлик комсомол, ҳозирги пайтда Ўрта Чирчиқ район 12-бойдорчилик совхозида ишлаётган Василий Сискин, Сирдарё области-дан 4-совхозда ишлаётган Маданин Хожиев, радистка Роза Ибрҳимова, ҳарбий музиқачи Ефим Лясс, Ленин шаҳри ҳимоячиси Тешабой Одиловлар ҳақида кўп нарсаларни билиб олдилар.

«Мардлар марди» очеркида Сиз ўз ҳамюртингиз, фарғоналик жасур партизан, Совет Иттифоқи Қаҳрамони юксак унвонига сазовор бўлган Мамадали Топиболдиев ҳақида мароқ билан ҳикоя қилгансиз.

Биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимов ҳақида ёзилган қизиқарли повестингиз учун материал тўплаш ҳам жуда катта меҳнат талаб қилди. Генерал бошчилигида жанг қилган, уни яхши таниган жуда кўплаб кишилар билан учрашишга тўғри келди. Генерал Файзулла Норҳўжаев ҳақидаги ҳужжатли повесть устидаги ишлар давомида ҳам ана шундай изланишлар олиб борилди. Шунинг учун ҳам бу асарлар ўзининг ҳаққонияти ва таъсирчанлиги билан кенг китобхонлар оммасини жалб этди.

Ёдингизда бўлса, бир пайт Наманганда учрашиб, қалбимизга яқин бўлган шаҳарни томоша қилдик. Нанайга бордик. Мен у ерда сизнинг фаолиятингизни кузатдим. Бу қишлоқда биз Ойдин номидаги қишлоқ мактабини бориб кўрдик, кекса ўқитувчилар билан гаплашдик ва ниҳоят излаган одамимизни топдик. Бу кекса чойхоначи Тўла ота Нурматов эди. У 80 га яқинлашиб қолган. Бу меҳмондўст чойхоначи бир пайтлар жасур разведкачи бўлгани ва кўпгина жанговар орден ва медаллар билан тақдирланганини ким ҳам ўйлабди, дейсиз.

Кейинги йилларда Наманган шаҳрида ва областида Жанговар ва Меҳнат шуҳрати уйларини ташкил этиш бўйича катта ишлар олиб борилди. Бундай уйларнинг ташкилотчиларидан бири собиқ жангчи, ҳозир эса Наманган область партия комитетининг секретари Турсун Рўзибоевдир. Яқинда у менга шундай деди: «Адҳам Раҳмат бизга экспозицияларни яратишда ва жангнинг қаҳрамонларини қидириб топишда катта ёрдам берди. У ажойиб изланувчан ёзувчи, бизнинг доимий маслаҳатчимиздир».

Менинг Москвадаги квартирамда, китоб жавонларида Сизнинг дастхатингиз қўйилган китоблар фахрли ўрин олиб турибди. «Ғалаба йўллари», «Жанговар лавҳалар», «Эллик бир баҳодир», «Хотира гранитдан мустаҳкам», «Тошкентлик казак», «Шинелли қизлар» ва бошқа ўнлаб китоблар шулар жумласидандир.

Биринчи ўзбек комсомоли Абдулла Набиев ҳақидаги китобингиз ва «Фарғоналик бешолон» киносценарийларингизни алоҳида қайд этиб ўтмоқчиман.

Бир пайт Сиз мени ўз дўстингиз, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, тошкентлик ёзувчи, эндиликда эса Москвада яшаб, «Жасорат» телевизион кўрсатувини олиб бораётган Владимир Васильевич Карпов билан таништирган эдингиз. У билан бир пайтда Сизга ҳам Александр Фадеев медали топширилди. Бу ҳарбий ватанпарварлик тарбияси соҳасида ишлар учун бериладиган ноёб мукофотдир!

Қадрли Адҳам ака! Юбилейингиз муносабати билан таржимон ҳодимларингиз баъзи саҳифалар битилган ана шу мактубимни йўлладим, Сизнинг кўп йиллик изланишларингиз натижаси бўлган баъзи асарларингизни айтиб ўтдим. Ахир инсон ҳамиша иш ва ташвиш билан банд. Ўзи босиб ўтган йўлга кам назар ташлайди. Шу сабабли мен Сизнинг ижод йилларингиз, узоқ дўстлигимиз — ўзбек ва руснинг бародарлиги ҳақида эслатиб ўтмоқчи бўлдим.

Ижодингиз гуллаб яшнаётгани, янги-янги асарлар устида иш олиб бораётганингиз бизни қувонтиради. Ижод завқи, изланиш завқи Сизга ҳамиша ёр бўлсин.

Р. МЯСКОВ,
РСФСРда хизмат кўрсатган маданият ходими.
МОСКВА.

СПОРТ

ГИМНАСТИКА:

«ЁШ ЛЕНИНЧИ» СОБРИНИ

Бадиий гимнастика спортнинг энг севимли турларидан ҳисобланади. Гимнастикачиларнинг мусиқа оҳангларига мос ҳаракатлари нафис ва мафтункорлиги билан диққатга сазовордир. Совет гимнастикачилари Бутуниттифоқ ва жаҳон мусобақаларида ажойиб муваффақиятларга эришиб, маҳорат кўрсатиб келмоқдалар. Моҳир гимнастикачилар Ирина Дерюгина билан Галима Шугуроваларни ким танимайди дейсиз. Утган йилдан бошлаб эса спортнинг мазкур тури СССР халқлари ёзги Спартакиадаси программасига киритилди. Йил сайин оммавийлашиб бораётган бадиий гимнастикага республикамизда ҳам катта эътибор берилмоқда, машғулотларни ва мусобақаларни мунтазам ўтказишга қулай шароитлар яратилмоқда.

Республика шахсий-команда чемпионати — «Ёш ленинчи» газетаси совғаси учун ўтказилган мусобақа куни кеча ниҳоясига етди. Оқ олтин ўлкаси бадиий гимнастикачиларининг нафосат кўригида умидли спортчилар мутахассисларни мамнун этишди. Соҳариндорлик бахси Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг спорт залида бўлиб ўтди. Мусобақада республикамиз вакиллари қатори РСФСР, Украина ва Туркманистондан келган меҳмонлар ҳам иштирок этишди. Мусобақада ёшларнинг маҳорати ошиб бораётганлиги кўзга ташланди.

ШАХМАТ:

ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНИ

Аёллар ўртасида Ўзбекистон 38-чемпионати якунланди. Дона суриш бахсларини муваффақиятли ўтказган самарқандлик Мавжуда Ҳамроқулова Ўзбекистон чемпиони номига сазовор бўлди. У ўн уч учрашувдан 12 тасини ғалаба билан якунлади. Тошкентлик шахматчилар Лариса Пинчук билан Ира Жумаевалар ўнтадан очко тўплашди. Лекин коэффициентлар ҳисобида иккинчи ўрин Л. Пинчукка берилди. Эркаклар ўртасида республика чемпионати ҳам тугаш арафасида. Сўнгги тур учрашувлари олдидан И. Иванов 11 очко билан голиблик қилиб турибди. М. Рудерфер ҳисобида 10,5 очко бор. Г. Аъзамов билан Л. Масловлар 9,5 тадан очко жамғаришди.

КАМОН ОТИШ:

НОМЗОДЛАР САРАЛАНМОҚДА

Шу кунларда ўтказилаётган ҳар бир йирик мусобақа Москва Олимпиадасига номзодларни саралашга қаратилган. Жумладан, Москвада СССР кубоги учун камончилар ўртасида ўтказилаётган мусобақада ҳам Олимпиада бахсларида совет спорти шарафини ҳимоя қиладиган йигит-қизлар сараланади. Мусобақада иттифоқимизнинг турли шаҳарларидан келган 120 спортчи иштирок этяпти. Бахс «Олимпиада графиги» ҳисобида ўтказилмоқда. Ҳар бир камончи 288 тадан нишонга, олиши кўзда тутилган. Биринчи кун мусобақаларидан кейин республикамиз вакили, Европа энс-чемпиони тошкентлик Ольга Рогова 628 очко тўплаб, аёллар ўртасида пешқадам бўлиб олди. У 60 метрдан нишонга олиш бўйича қийин об-ҳаво шароитида 329 очко тўпланди. Бу 1976 йили львовлик В. Ковпан томонидан ўрнатилган жаҳон рекордини такрорлаш учун 5 очко етмаганлигини кўрсатди.

Республикамизда спортнинг камондан отиш тури оммавийлашиб бормоқда. Вакилларимиз Иттифоқ ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда муваффақиятли иштирок этмоқдалар. Яқинда Ўзбекистон кубоги учун ўтказилган мусобақалар ҳам мухлисларда яхши таассурот қолдирди. Суратларда: (юқорида) нишонга олиш, (пастда чапдан) спорт мастери Р. Каримова билан А. Ҳидоятовлар.

Л. Гусенков фотолари.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Горичлар, қаердасиз? 10.35 — Дарвозаси тиллодан. 11.30 — Ҳужжатли фильм. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Немис халқининг гит. лерчилар фашизмидан озод қилинган кунга бағишланган кинопрограмма. 15.45 — Ҳунар-техника таълими билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади. 16.15 — Ёш спортчининг катта майдони. 16.45 — СССР билан Куба ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигининг 20 йиллигига. 17.15 — Рус тили. 17.45 — Эртак ҳузурида меҳмонда. 18.30 — Миллионлар ленинча университети. 19.00 — Болаларга аталган шеърлар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.50 — Жасорат. 20.00 — Улуғ Ватан уруши ветеранларидан иборат Москва эрмаклар хорининг концерти. 20.40 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Театр учрашувлари. 23.30 — Дунё воқеалари. 23.45 — РСФСР халқ артисти Э. Хиль куйлайди.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.30 — Жамиятшунослик. 13.00 — Болейбол бўйича СССР кубоги. 13.30 — Ҳужжатли фильм. 13.40 — В. И. Ленин туғилган кунинг 110 йиллигига бағишланган Ўзбекистон пионерларининг йўлламаси. 18.25 — Қўғирчоқ фильм. 18.35 — Жонажон ўлка. 19.05 — Новаторлар эстафетаси. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Жанговар ёзувчи Адҳам Раҳмат. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Республикада хизмат кўрсатган артист Х. Қодирова концерти. 21.30 — Время. 22.05 — Пилла — бойлигимиз. 22.20 — Беозор қариялар. Спектакль. I-қисм.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Ҳозирги замон совет шеъриятининг саҳифалари. 20.55 — Янги анъаналар — турмушга. 21.25 — Назарий механика. 22.25 — Ҳужжатли фильм.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — С. Калонов ва К. Жабборов қўшиқлари. 9.30 — Ёш композиторларнинг қўшиқлари. 12.10 — Ўзбекистон ашчиси. 13.30 — Бу кунни жонимизга фидо қилиб яшилаштирдик. 14.00 — Пиллачилар беш йиллик меҳнат вахтасида. 15.00 — Олис масофаларда ва мураккаб шароитларда хизмат қилаётган гидрометеостанциялар ходимлари учун эшиттириш. 16.00 Тинчлик — буюк саодат. 18.40 — Ешлик. 19.45 — Республикада хизмат кўрсатган артист Р. Ҳамдамов чалади. 20.25 — Концерт. 20.50 — Келажакка интилиш. 21.00 — М. Шолохов. Улар Ватан учун жанг қилганлар. 21.20 — Чорвадорлар учун концерт. 22.30 — Уруш ветеранларининг талабларига биноан концерт. 23.20 — Концертнинг давоми.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги
ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
1980 — 1981 ўқув йили учун
қуйидаги мутахассисликлар бўйича
КУНДУЗГИ БЎЛИМГА

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

агрономия ва тупроқшунослик, агрономия, мева-сабзавотчилик ва узумчилик, ўсимликларни ҳимоя қилиш, ипакчилик, зооинженерлик, ўрмон хўжалиги, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва иқтисод, бухгалтерия ҳисоби.

ФАРҒОНА ФИЛИАЛИГА

агрономия, зооинженерлик, қишлоқ хўжалик ишлаб чиришини ташкил этиш ва иқтисод, бухгалтерия ҳисоби.

Институт ва унинг Фарғонадаги филиали: **далачилик агрономларини, селекция ва уруғчилик, шоликор, суғориладиган ерлар деҳқончилиги, мева-сабзавотчилик ва узумчилик, ёпиқ жойларда сабзавот етиштириш, ўсимликларни ҳимоя қилиш, ипакчилик агрономларини, кенг профилдаги зооинженерларни, ўрмон хўжалиги инженерларини, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва иқтисод ҳамда қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби бўйича юқори малакали мутахассисларни тайёрлайди.**

АРИЗАЛАР 31 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ
КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 1 АВГУСТДАН 20 АВГУСТГАЧА ЎТКАЗИЛАДИ.

Ариза институт ректори номига ёзилиб, унга қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: тўлиқ ўрта маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), тўртта фотосурат (3х4 см.), медицина справкаси (286-форма), иш жойидан характеристика, меҳнат дафтарчасидан корхона ёки муассаса тасдиқлаган кўчирма.

Ўрта мактабни битирганлар мактаб директори, синф раҳбари ва комсомол комитети секретари тасдиқлаган характеристикани топширадилар.

Институтга кирувчилар ҳарбий билет (ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома) **ва паспортларини шахсан кўрсатадилар.**

Кирувчилар қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонларини топширадилар: агрономия, мева-сабзавотчилик ва узумчилик, агрохимия ва тупроқшунослик, ўсимликларни ҳимоя қилиш, ипакчилик, зооинженерлик мутахассисликларига кирувчилар: ХИМИЯДАН (оғзаки), ФИЗИКАДАН (оғзаки), БИОЛОГИЯДАН (оғзаки).

Ўрмон хўжалиги мутахассислигига кирувчилар: МАТЕМАТИКАДАН (оғзаки), ХИМИЯ (оғзаки), ФИЗИКА (оғзаки).

Булардан ташқари, барча абитуриентлар рус ёки ўзбек тили ва адабиётидан ишо ёзадилар.

Институтнинг «Ўрмон хўжалиги» факультетига тажриба бўйича қабул қилиш ўтказилади.

Тажриба бўйича қабул қилишда ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжатида ўртача баҳоси 4,5 балдан юқори бўлганлар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Тажрибада қатнашувчилар иккита фандан: математикадан (оғзаки), физикадан (оғзаки) имтиҳон топширадилар.

Иккита имтиҳондан 9 балл олган абитуриентлар қолган имтиҳонлардан озод этилади ва конкурсга қўйиладилар.

Ўрта мактабни олтин медаль билан ёки ўрта махсус ўқув юртларини имтиёзли диплом билан тугатганлар фақат бир имтиҳон: қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва иқтисод, бухгалтерия ҳисоби ва Ўрмон хўжалиги мутахассисликларига кирувчилар — математикадан, қолган мутахассисликларга кирувчилар эса — химиядан топширадилар, аъло баҳо олганлар кейинги имтиҳонлардан озод этиладилар.

Барча кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширганлардан икки йил ва ундан ортиқ ёки ҳарбий хизмат стажи бўлганлар ҳамда колхоз ва совхозлардан йўлланма билан келганлар институтга қабул қилинишда имтиёзли ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Институтга қабул қилинганлар умумий асосларга мувофиқ стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар.

ИНСТИТУТ АДРЕСИ: 700183, Тошкент-183, Тошкент қишлоқ хўжалик институти (19, 102, 121, 111, 115,117-автобуслар, 10-маршрут такси билан бориш мумкин).

ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ: 713, Фарғона шаҳри, Қувасой кўчаси, 2 «а»-уй (12, 14- автобуслар билан Қувасой» бекати).

СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги
ЎРТА ОСИЕ МЕДИЦИНА ПЕДИАТРИЯ ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудири: сил касаллиги ва болалар сил касаллиги;

кафедра ассистентлари: болалар хирургияси, 1-педиатрия факультетининг факультет терапияси, нормал анатомия, врач назорати;

кафедра ўқитувчилари: КПСС тарихи, рус тили, жисмоний тарбия (2 ўрин);

марказий илмий-тадқиқот лабораторияси раҳбари ва ички илмий ходими.

КОНКУРС МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Мурожаат учун адрес: 700140, Тошкент шаҳри, К-140, Чермет кўчаси, 103-уй.

●

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
В. И. РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

бўлим мудири: математик анализ;

бўлим катта илмий ходими: амалий математика.

КОНКУРС МУДДАТИ — 8 ИЮНГАЧА.

Мурожаат учун адрес: 700052, Тошкент шаҳри-52, Астрономический тупиги, 11-уй.

●

Киев граждан авиацияси инженерлари институтининг
ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ
физика фани бўйича катта ўқитувчи
ВАКАНТ ВАЗИФАСИГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КОНКУРС МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Мурожаат учун адрес: 700033, Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 77-уй.

Х. ОЛИМЖОН НОМЛИ ҚАРШИ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра ўқитувчилари: ҳозирги замон рус тили ва унинг тарихи ихтисоси бўйича рус тилшунослиги, музика ва ашула ихтисоси бўйича музика ва ашула (фан кандидатлари ёки илмий даражасиздар).

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700003, Қарши шаҳри, Кучабоги кўчаси, 17-уй, конкурс комиссияси секретари.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 9/V да **Келинлар қўзғолони** (12.00), **Рўйхатларда йўқ** (19.30), 10/V да **Инқилоб тонги.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 8/V да **Жоним фидо**, 9/V да **Байрам концерти** (19.30), 10/V **Олифта.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«КУЗГА КУРИНМАС ОДАМ»** фантастик-саргузаштли аттракционни иштирокида катта байрам томошалари (8/V да 19.30, 9, 10/V да 13.00, 16.00, 19.30 да).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппарати ва Ишлаб бошқармасининг партия касаба союз ташкилотлари Марказий Комитетининг масъул ходими Ш. Ш. Исломовга онаси

Фазилат ЙЎЛДОШЕВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг тарих институти коллективи тарих фанлари кандидати, илмий ходим Н. М. Тошхўжаевага отаси

Маҳмуд ТОШХЎЖАЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР
Редакция адреси: 700000 Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-53-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05 секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назариясидан пропагандаси 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-34-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУҲБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20, Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27, Сурхондарё — 3-92-36, Хоразм — 5-51-24, Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-55; Фарғона — 4-20-84, Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станцияси — 33-90-50.

Р. 01975. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Б. — 106. Б. — 105. 7